

Услубий қўлланма

СПОРТ ИНШОАТИ



Андижон 2014

Ушбу услубий қўлланма Жисмоний маданият факультети илмий услубий кенгаши қарорига асосан АДУ ўқув услубий ҳайъати тамонидан қўлланишга тавсия этилди.

Тузувчи:


Х.Солиев

-Андижон Давлат Университети педагогика фанлари
номзоди доцент

Тақризчи:

С.Ниязов

-Андижон Давлат Университети педагогика фанлари
номзоди



Услубий қўлланмадан Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида волейбол спорти билан шуғулланувчилар, ўрта умум таълим мактаблар ва касб ҳунар коллежларида волейбол дарслари ва волейбол тўғараклари машғулотларини ташкил этишда ҳамда шу соҳа мутахассислари малака ошириш курсининг тингловчилари фойдаланишлари мумкин.

Спорт иншоатлари фани

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришган йиллар ичида Республикамиз вилоятларидан, олий ва ўрта махсус таълим тизимида умумтаълим мактабларда ва мактабдан ташқари муассасаларида янгидан-янги, гўзал, кўркем спорт иншоатлари қуриш ишлари амалга оширилди.

Мамлакатимизда спорт иншоатларини кенг қўламда қурилиши кишиларни, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спортни ҳар-хил турлари билан фаол шуғулланувчиларга кенг имконият яратиш ва Республикамиз спортни ва Ўзбек миллатини дунёга таништиришга олиб чиқишга кенг имкониятлар яратмоқда.

Шунинг учун ҳам Жисмоний маданият факультетларида булажак мутахассислари умумтаълим мактабларида оддий спорт қурилмаларни қуриш ва уларда тўғри фойдаланишга оид билимлари бериш учун “Спорт иншоатлари” курси ўқув дастурига киритилган.

Бу курсни асосий мақсади ва вазифаси бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийлари:

- Умумтаълим мактаблари учун спорт қурилмаларнинг лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш.
- Спорт заллари, спорт майдонлари ва бошқа қўшимча спорт иншоатларини қуришни ўргатиш.
- Ностандарт тренажёрлар ва спорт жиҳозларини тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланиш.
- Асосий ва ностандарт қўрилмаларни спорт залларига, спорт майдонларига жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш технологияси билан таништириш.
- Спорт иншоатларига қўйилган асосий нормалар уларни техник, санитария-гигиена ва педагогик талаб меъёрлари йўналишидани назарий ва амалий билимлар билан студентларни қуроллантириш спорт иншоотлари фанининг асосий вазифасидир.

Ўқув дастурида асосий дарс ўтказиш ва синфдан ташқари спорт секциялари олиб борадиган алоҳида, ҳамда комплек спорт қурилмалари ва дарс жараёнини керакли жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда машғулотлар олиб бориш жойлари, улардан тўғри фойдаланиш, жароҳатларни олдини олиш ҳамда техника ҳавфсизлигини таъминлашга оид билимлар билан қуроллантириб боради.

Маъруза соатларида фаннинг мақсади. Спорт иншоатлари қурилмаларнинг нормалари, қуриш ва фойдаланиш технологияси, уларга қўйилган педагогик талаб ва меъёрлари билан талабалар таништирилади.

Амалий ва семинар машғулот жараёнида назарий билимлар билан амалда қўллаш яъни спорт майдонларини, спорт заллари ва бошқа қурилмалар, чизма лойиҳалар ва макетларни тайёрлаш. Спорт иншоатларини ва қурилмаларидан фойдаланиш, спорт жиҳозлари билан таъминлаш нормалари ҳамда техника ҳавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиб спорт майдонларини чизиш, жиҳозларни созлигини аниқлаш, таъмирлаш амалий машғулотлар жараёнида амалга оширилади.

Ўқув дастуридаги режалаштирилган машғулотларни бажаришда талабаларнинг мустақил ишлари асосий йўналиш ҳисобланади, яъни курс иши, реферат, чизма лойиҳаларини чизиш, спорт қурилмаларини макетларини тайёрлаш.

Бизларга тарихдан маълумки қадимги Грецияда жисмоний тарбия элементлари вужудга келиши ва ривожлантириши жараёнида у билан боғлиқ бўлган ҳар хил жиҳозлар пайдо бўла бошлаган.

Байрамларда, асилзодалар ўртасида кўпдан-кўп мусобақа ўйинларида югуриш, найза, диск улоқтириш сакраш, кураш ва бошқа турдаги мусобақа ўтказиш учун махсус жойлар ажратилган ва мусобақа ўтказиш жойларига айлана бошлаган. Шу билан жангчиларнинг ҳарбий тайёргарлик машқларга тайёрлаш ва ўтказ учун ҳам махсус қурилмалар ҳамда жиҳозларданг кенг фойдаланишганлар. қадимги Грециянинг жисмоний тарбияси системасида “Гимнастика” деган умумий ном билан кўп қурилма иншоотларидан фойдаланганлар. Машқлар, мусобақалар (сузиш, қиличбозлик. Отда юриш, ёйдан отиш) ўтказиш учун махсус қурилмалар қурилган, шу билан томошабинлар учун ҳам алоҳида жойлар тайёрланган. Олимпиада ўйинлари қадимги юнон жисмоний тарбияси тараққиётининг характерловчи ва илк бор мусобақалар ўтказиш учун жойлар, меҳмонхона. Дам олиш ва томошабинлар учун махсус жойлар қурилган.

Бизга маълумки биринчи Олимпиада уйини эрамиздан аввалги 776 йилга тўғри келади.

Грецияда умумюнон ва маҳаллий ўйинларни ўтказиш учун жуда кўп сонли стадионлар бор эди.

Қазилмалар вақтида Олимпияда, Дельведа, Прияда, Милетда ва бир қанча жойларда стадионлар қолдиғи топилган.

Янги даврдаги замонавий Олимпияда ўйинларини қайта тикланиши ва Олимпияда ўйинларини ўтказиш дунё миқёсидаги давлатларда янгидан-янги замонавий спорт иншоатларини қурилишига, жисмоний маданият ва спорт баъзасини янада ривожланишига туртки бўлади.

Замонавий янги Олимпияда ўйинларини асосчиси ва ташкилотчиси француз Пеър де Кубертен ҳисобланади.

1896 йил замонамизнинг янги 1-Олимпияда ўйинлари Афинада бўлиб ўтди, бунда эрамиздан олдинги 776 йилдаги спорт қурилмаларни қайта тикланган.

1908 йилда Лондонда ўтказилган III Олимпияда ўйинида бир неча спорт турлари жойлашган янги кўринишдаги спорт иншоати қурилди.

1912 йилда Стокгольмда ўтказилган IV-Олимпияда футбол майдони (90-65 м) ва биринчи маротаба майдон атрофига югуриш йўлакчаси қурилди, бу эса кейинча оммалашди.

1920 йилда Антверпенда ўтказилган VII-Олимпияда теннис корти, сузиш ҳавзаси, қиличбозлик, гимнастика турларини ўз ичига олган спорт комплекси қурилди.

1928 йилда Амстердамда ўтказилган IX-Олимпияда ўйинида спорт комплекси бассейн, корт, спорт майдони қурилди.

1932 йилда Лос-анжелосда ўтказилган X-Олимпияда ўйинида 105 минг томошабинга мўжалланган эллипс шаклидаги футбол майдони ва томошабинлар учун суппа тахталари ҳамда 52-24 м епик алоҳида олимпияда зали қурилди. Футбол майдони уни атрофида енгил атлетика йўлакчалари ва секторлари, сузиш ҳавзаси ва спорт майдонлари ва Олимпияда майдонларини бир бутун ансамбилини ташкил қилди.

1936 йилда Берлинда ўтказилган XI-Олимпияда ўйинида 2 та сузиш ҳавзаси, гимнастика зали ва кўшимча спорт майдонлари барча шароитлари билан қурилди. XIII-XIV Олимпияда ўйинлари иккинчи жаҳон уруши муносабати билан ўтказилмади.

1952 йилда ўтказилган XV-Олимпияда бир-биридан узоқ бўлмаган спорт иншоатлари, ҳўжалик бинолари, 70 метрлик ёпик югуриш йўлакчаси қурилди. Стадион эса 60 минг томошабинларга мўжалланган. Бу Олимпияда шаҳарчасида кўшимча кичик стадиони, бокс, кураш, гимнастика, оғир атлетика, қиличбозлик, отиш майдончалари қурилиши билан бошқалардан ажралиб туради.

1960 йилда ўтказилган Римдаги XVII Олимпияда ўйинида қурилган спорт иншоат ва қурилмалар замонавийлиги, қурилишда янги технология усулларни қўлланганлиги билан бошқалардан фарқ қилади. 80 минг томошабинга мўжалланган Футбол майдони ва уни атрофида 400 метрлик югуриш йўлакчаси ҳамда шаҳарни бошқа жойларида Олимпияда қатнашчиларига спорт иншоат ва қурилмалар қурилди. Марказий паркда Олимпияда ўйинларини очилиши ва ёпилиши маросими бўлиб ўтди.

1968 йилда Мехикода ўтказилган XIX Олимпияда қурилган спорт иншоатларни ва қурилмаларни бошқаларни такрорланмаганлиги билан фарқ қилади. 80 минг томошабинга мўжалланган 68-105 ҳажмдаги ёпик майдони, маҳсус эшак спорт учун канал ва спорт иншоатлари атрофини жиҳози ва қурилмалари билан бошқаларни такрорланмаган ҳолдаги қурилишлар амалга оширилди.

1976 йилда Монреальда ўтказилган 21 Олимпияда ўйинларида қурилган спорт иншоатлари ҳам кўриниши ва қурилиш технологияси билан янгича кўринишда қурилди.

1988 йилда Сеулда ўтказилган XIV, 1992 йилда ўтказилган Барселонада XXV, 1996 йилдаги XXVI Олимпияда ўйинларидаги спорт иншоатлари ва қурилмалари Олимпияда программасида барча спорт мусобақаларини уюштириш ва ўтказишга керакли бўлган шарт-шароитлар мавжудлиги, спорт мураббийлари, ҳакамлар ва ахборот агентликлари, томошабинлар учун керакли шароитлар мавжуд бўлганлиги билан бир-бирларидан фарқ қилади.

2000 йил ва бундан буён ўтказилган Олимпиада ўйинларининг мезбонлари замонавий қолаверса фантастик даражадаги спорт иншоотлари ва спортчилар шаҳарчалари барпо қилишимокдалар. Улардан Хитойдаги “Қуш уяси ўйингоҳи”, Сиднейдаги Олимпиада очилиш

тамошогоҳи, Афинадаги байрамлар ва мусобақалар саройлари диққатга сазовор, замонавий технологиялар кашфиётлари ҳисобланади.

Халқаро Олимпияда комитетини дунё мамлакатлари ўртасида Олимпияда спорт турларини оммалаштириш, дунёда спорт тинчлик элчиси эканлигини кўрсатибгина қолмай спорт иншоатларини замонавий технология усулларида қурилиши борасида самарали ишларни амалга ошириб бормоқда. Ўтказилган Олимпияда ўйинларида спорт иншоатлари қурилишига кенг йўл очиб берилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9 сессиясида 1992 йил 14 январда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси эса Ўзбекистонда Оммавий ва профессионал футбол янада ривожлантириш унинг моддий базасини мустаҳкамлаш футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш. Ватанимиз футболининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида 1993 йил 18 мартда “Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида”, 1996 йил 17 январда “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида” қарорлар қабул қилинди.

Миллий ўйин ва спорт турлари бўйича ҳар йили мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди. 1999 йилдан бошлаб ҳар йили Республикамиз вилоятларида миллий кураш бўйича халқаро мусобақалар ўтказила боради. 1999 йил-сентябрда миллий кураш бўйича дунё биринчилиги Республикамиз пойтахти Тошкентда ўтказилди.

1994 йилда Тошкентда Теннис саройи қурилди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун теннис бўйича катта халқаро мусобақа ўтказиш анъанага айланди. Тез орада Самарқандда, Фарғонада, Наманган, Андижонда ва бошқа вилоятларда замон андозаларига тўла жавоб берадиган теннис кортлари қурилиб унда халқаро спорт мусобақалари ва Президент кубоги учун мусобақалар ўтказила бошлади. Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари спорт турлари бўйича бир қанча жаҳон ва Осиё чемпионатларида мувофақиятли қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон спортчилари биринчи марта Япониянинг Херосима шаҳрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этиб улкан муваффақиятларга эришдилар. Улар 42-медални, жумладан 10 та олтин, 12 та кумуш, 20 та бронза медални олишга сазовор бўлдилар. Ўзбекистон футбол терма командаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. Қишки Олимпиада ўйинларида ҳамюртимиз олтин медалга сазовор бўлди. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган “халқ ўйинлари Республика Олимпиадаси бўлиб ўтди.

Республикада Жисмоний тарбия ва спортнинг базаси яъни янгидан-янги замонавий спорт иншоотлари қурилди. Республикада 233 стадион, 5400 спорт зали, 135 сузиш ҳавзаси, 32863 спорт майдончаси, 4841 футбол майдони, 1883 отиш тири, 13139 волейбол ва 7196 баскетбол майдончаси, 168 теннис корти, “Алпомиш” марказий спорт зали, “Ёшлик” спорт аренаси, “Пахтакор” марказий стадионлари ҳар хил ёшдаги кишиларни жисмоний сифатларини тарбиялашда хизмат қилмоқда.

1993 йил сентябрда Халқаро Олимпияда қўмитасининг 101 сессиясида Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпияда Қўмитасига аъзо бўлиши Олимпияда ғояларини тарғибот қилиш, Олимпияда ўйинларида Республика вакиллари иштирокини таъминлантиришдек шарафли вазифа билан шуғулланмоқда.

1996 йил январида Халқаро Олимпияда Қўмитасининг қарорига мувофиқ Жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари ва Олимпиядага ғояларига садоқати учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олимпия олтин ордени билан мукофатланди. Юртбошимизга топширилган олтин медал Жаҳон ҳамжамиятимизда мустақил республикамизнинг обрўсини янада оширади.

Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди. Республикамизда ясли, боғча, умумтаълим мактабларида, лицей-интернатларида, коллежларда, Олий ўқув юртларида, ишлаб чиқаришни барча тармоқларида спорт иншоотлар ва қурилмаларини қурилиши, ҳар хил оммавий, миллий спорт мусобақаларини ва машғулотларни ўтиши мустақиллигимиз шарофатидир.

Таълим тизими спорт иншоатлари

Ясли, Ясли ёшидаги болаларга 3 ёшгача болалар киради. Бу ёшдаги болаларни атроф муҳитга чиниктиришлари ва ҳар-хил ҳаракатларни бажариш учун, уларни соғлиқларни яхшилаш учун

ҳозирги кунда ўқув спорт жиҳозлари ва қурилмалар мавжуддир. Тарбияда ҳар-хил гимнастика жиҳозлари, сузиш ванналари ва турли кўринишдаги ўйинчоқлардан фойдаланади.

Болалар боғчалари. Болалар боғчасида ёшларга (3 ёшдан 7 ёшгача) болалар улар ўрта (4-5 ёш) гуруҳларга бўлинади.

Бу ёшдаги болаларга эрталабки гимнастика машқлари, ҳар-хил ҳаракатли ўйинлар, сайир қилиш ва махсус тузилган жисмоний машқлар таркибларидан иборатдир.

Бу ёшдаги болаларни ақлий ва жисмоний қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантириш учун турли туман ўйинчоқлардан кенг фойдаланилади.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиши учун усти ёпиқ жойларда сакраш, мувозанат йўлакчалари, арконлар, качалкалар, самолёт, ҳайвонлар макетларидан иборат, турли ранг-баранг кичик спорт майдонлари уларни севимлик ўйнаш жойлари бўлиши уларни соғлом. Ҳаракатчан чаққон болалар бўлиб етишларига асосий омил бўлади.

Охириги ёшдаги болалар учун эса соддалаштирилган спорт майдончалари, қурилмалари кенг фойдаланилади. Ёзги соғломлаштириш лагерларидаги спорт иншоат қурилмалари 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар жисмоний машқлар ва спорт турлари билан шуғулланишга мўлжалланган бўлади. Ёзги соғломлаштириш лагерлари катта ва кичиклигига қараб (майдонга) алоҳида спорт турлари ва спорт комплекслар: енгил атлетика майдони 135х37 м, гимнастика майдони 40х15 м, волейбол майдони 18х9 м, баскетбол майдони 26х14 м, гимнастика майдончаси 24х20 м, бадминтон майдончаси 13,4х5,4 м, теннис корти 23,4х10,9 м, сузиш ҳавзаси 25х10 м, футбол майдони 90х60 м ёки 60х40 м бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари учун махсус спорт иншоат қурилмалари мактаб қошида ёки шаҳар ва мактаб спорт иншоат қурилмаларидан фойдаланиш билан уларни у ёки бу спорт турлари бўйича юқори спорт малакаларини эгаллашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларидан сўнги йилларда ясли, болалар боғчаларида, ўқувчи ёшларни ёзги дам олиш оромгоҳларида янгидан-янги спорт майдонлари, спорт шаҳарчалари ва спорт комплекслари қурилишида Президентимиз, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига, соғлом, баркамол ёшлар бўлиб етишишларига кенг имконият яратилмоқда.

Умумтаълим мактабларининг I-IX синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия бўйича ўқув дастуридаги барча ўқув материалларини сифатли ўтказиш, спорт мусобақаларни ташкиллаш ва ўтказиш дарсдан кейинги спорт секция ишларини ўтказишни бу мактабдаги спорт иншоат қурилмаларини таъминланганлик даражасига боғлиқдир.

Республикамиздаги барча умумтаълим мактабаларни қурилиш лойиҳасида ёпиқ спорт заллари типовой қурилмаси мавжуддир. Мактабларда ўқувчиларнинг сонига ва уларни катта-кичиклигига қараб маълум типдаги ёпиқ ва очик спорт майдонлари мавжуддир. Мактабдаги ёпиқ спорт заллари универсал типда бўлиб. Гимнастика, спорт ўйинлари, кураш ўқув машғулотларни ўтказишга мўлжалланган. Очик спорт майдонлари енгил атлетика, вoleyбол, баскетбол, кўл тўпи, футбол бўйича ўқув машғулотларини ва дарсдан ташқари спорт тренеровка машғулотларини уюштириш ва ўтказишга мўлжалланган спорт қурилмалари мактаб-ўқув биноси қошида ўқувчи ёшларни баркамол ва ҳар томонлама соғлом инсонлар бўлишиб етишишига хизмат қилади.

Республикамиз мустақиллик йилларидан сўнги даврда қурилаётган янги мактаблар, касб ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртларида замон андозалари талабига мос келадиган спорт комплекси ва спорт майдонлари қурилмоқда бу қурилишларни кўплари ҳомийлар ва мураббийлик қилаётган инсонлар томонидан қурилаётганлиги мактовга сазовордир. Янги қурилаётган ёки қайта таъмирланаётган лицей-интернат, академик-лицейлар, коллежлар ва мактабларда спорт иншоат қурилма-жиҳозлари ўзига хос, янги замонавий талабга жавоб берадиган даражада қурилади.

Спорт иншоат қурилмалари қошида ечиниш, ювиниш хоналари, спорт жиҳозлари сақлаш учун жойлар мавжуд бўлиши керак. Спорт бўйича мактаб музейи жисмоний тарбия ўқитувчиси кабинетини ва ўқув спорт машғулотларини ўтказиш учун керакли ҳар-хил электрон жиҳозлар таъимл муассасида жисмоний тарбия машғулотларини юқори даражада ташкиллаш ва ўтказишга асос бўлади.

Таълим муассасалари спорт иншоотларида сифат даражаси Республикамиз мактаб ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган спартакиадалар ва ердаги спорт турлари бўйича чемпионлар сони йил сайин ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон тараққиётида таълим устивор соҳа ҳисобланади чунки 1997 йил 2 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Қонун таълимининг барча йўналишларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун имконият яратади. Истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ таълим тизимининг жадал ислоҳ қилишга киришади. Бир қатор ўқув юртларининг мақоми, дастурлари ва таълим усуллари ўзгартирилди.

Алоҳида Олий ўқув юртлари, жумладан Мудофа Вазирлиги қошида Ҳарбий Академия, Ички ишлар Вазирлиги қошида, Ички ишлар Академияси, Банк молия академияси, Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети, тошкент Авиация институти, Навоий тоғ-кончилик институти каби ўнлаб янги Олий ўқув муассалари ташкил қилинди. Ҳозирги кунда 62 та Олий ўқув юртида талаба ёшлар билим олмақдалар. Бўлажак мутахассисларни соғлом бўлиши етук мутахассис бўлиб етишишда Олий ўқув юртларида Жисмоний тарбия, спорт, оммавий соғломлаштириш ишларини амалга оширишда Жисмоний тарбия кафедралари, Жисмоний маданият факультетлари профессор ўқитувчиларни хизматлари каттадир.

Олий ўқув юртларини талабалар контингентига ва жойлашган жойга қараб ўзини спорт иншоотлари мавжуддир, булар очик спорт майдонлар, енгил атлетика йўлакчалари ва секторлари, сузиш ҳавзалари, ёпиқ гимнастика спорт заллари ва сузиш ҳавзаларидир.

Олий ўқув юртларида янги замонавий спорт иншоотлари қуришга ва таъмирлашга ҳамда спорт анжомлар олиш учун бюджетдан ва бюджетдан ташқари маблағлар ажратилиб боради. Олий ўқув юртлари қошидаги соғломлаштириш масканларида ҳам талаб мейёридаги спорт қурилмалари талаба ёшларни жисмонан ривожлантиришга ва танлаб олган спорт турлари билан шуғулланишига кенг имкон яратади.

Республика таълим муассасалари ўқувчи талабалари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод ўйинлари”, “Универсиада” каби мусобақалар янгидан-янги замонавий спорт иншоотларини барпо этиш, спорт анжомлари билан таъминлаш ва талаба ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилишга қаратилган.

Комплекс спорт иншооти бир нечта спорт турлари бўйича жисмоний тарбия ва спорт машғулотлар ўтказиладиган объектга (жойга) айтилади. Таълим муассалари спорт иншоотларини қуриш ва фойдаланишга қўйиладиган талаблар: Таълим муассасаларида спорт иншоотлари ва уларни лойиҳалаштириш ишлар мазмуни. Таълим муассасаларида спорт иншоотларини лойиҳалаштиришга қўйилган техник, гигиеник ва педагогик талаблар мазмуни. Таълим муассасаларида спорт иншоотларини қуришни ташкил этиш ва керакли ҳужжатларни расмийлаштириш. Таълим муассасаларида спорт иншоотлари, майдонлари ва спорт жиҳозларини таъмирлашда мактаб жисмоний тарбия жамоасининг роли.

Спорт иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш

Асосий спорт иншоотлари бу спорт иншоотларини асосий қисми бўлиб, спорт-ўқув машғулотларига мўлжалланган жойлар ҳисобланади. Уларни ўлчамлари, чизмалари ва жиҳозлари белгиланган спорт қуйидагиларга асосан жиҳозланади. Асосий спорт иншоотлари таркибига, спорт майдонлари, алоҳида спорт ўқув машғулотлари ўтказиш жойлари ва бошқалар киради.

Асосий спорт иншоотлари очик ва ёпиқ (ёпиқ бинода жойлашган) қисмлари бўлинади. Асосий спорт иншоотлари ўз навбатида икки қисмдан иборат алоҳида ва комплекс (жамлашган) турларга бўлинади. Алоҳида спорт иншоотларини жиҳозлаш битта ёки бир неча турдаги спорт машғулотларини ўтказишга мўлжалланган бўлиб улар эса кўриниши ва фойдаланиш мақсадида керак бўлиши мумкин.

Жамланган (комплекс) иншоотлар - бир неча спорт турларини бинога жойлашган (волейбол, футбол, гимнастика, сузиш, теннис) бўлади.

Қўшимча спорт бинолар ва иншоотлари бу шуғулланувчиларга фойдаланиш учун белгиланган махсус жойлар ҳисобланиб у ўз навбатида техник ишчи ходимлар, хўжалик маъмурияти хизматчилари ҳамда ҳакамлар, маълумот бериб борадиган махсус жойларни ўз ичига олади. Хўжалик биносига электр шитлари, элеватор, шамоллатиш ва лаборатория хоналари киради. Маъмурий-хизмат биноларга раҳбарият, спорт мурабийлари ҳамда хизматчилар жойлашган жойлар ҳисобланади.

Шуғулланувчилар учун ечиниш кийиниш хонаси, ювиниш, овқатланиш жойлари киради. Ҳакамлар учун ажратилган биноларга улар турадиган жойлар, ҳакамлик учун керакли бўлган жиҳозларни сақлайдиган жойлар киради. Томошабинлар ва мусобақа қатнашчилари учун мусобакани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маълумот бериб боровчилар радиотелевидения ва матбуот, оммавий ахборот воситаси ишчи хизматчилар ишлашлари учун мўлжалланган жойлар киради.

Томошабинлар учун ажратилган жойлар улар юрадиган ўтирадиган (трибуналар) скамейкалар ва стуллар томошабинлар учун хизмат қиладиган фойе, касса, ечиниш хоналари, ҳожатхона, буфетлар киради.

Спорт иншоотларини катта-кичиклиги, жойлаши ва уни тоифасига ҳамда фойдаланиш мақсадига кириб бази бир ўзгартиришлар киритилишлар мумкин.

Қурилиш ишларини амалга оширишда қуйидагилар ҳисобга олинади.

1. Қурилиш бошланишда шуғулланувчилар сони.
2. Шу спорт тури билан шуғулланишга қатнашаётганлар сони.
3. Шу ерда яшаётган кишилар эҳтиёжларни (шуғулланишга) ҳисобга олинади.

Спорт иншоотларини лойиҳалаштириш методларида уни схемаси (чизмаси) горизонтал ва вертикал умумий ҳажм кўриниши ҳисобга олинади. Ундан сўнг қурилаётган бинони техник ва тежамкорлик томонларини (ҳар бир кв.мга кетаётган қурилиш материалларни ҳажми, сони ва унга сарфланадиган сарф харажатларни миқдори ҳисобланади.)

Конструктив лойиҳалаш, бир томони тежамкорлик бўлса, иккинчи томонда бинони архетиктура композицияси ҳисобга олинган (эстетик кўриниши) қурилиш ҳисобланади. Спорт иншоотларини лойиҳалаштириш экспериментал ва индивидуал бир қанча фактларни, илмий-техник ютуқларини, қурилишни эстетик ҳолатини, қурилишни техник ҳолда педагогик талабларга тўла жавоб беришни-ҳисобга олинади. Бундан ташқари барча қурилиш ишлари бир яхлитда амалга оширилади.

Экспериментал лойиҳалаштириш усули шу қурилаётган спорт иншоотга ва қурилиш қулайликлари ҳисобга олиниб, лойиҳаси намунавий ҳисобланиб тасдиқланади.

Индивидуал (якка тартибда) лойиҳалаштириш бу бир йўналишда фойдаланишга мўлжалланган спорт биноси ҳисобланади. Бундай маҳаллий жойни шароитдан ёки бир спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш кўзда тутилади. Спорт иншоотлари лойиҳалаштириш техник ҳужжатлар чизмаси (ҳар бирига алоҳида изоҳловчи маълумотлар) қурилиш учун сарф харажатларни сметаси иншоат лойиҳасига киради.

Чизма қурилиш ишларини ҳажми режасини белгилайди. Смета маълумотлар алоҳида олинган ҳар бир иш учун сарф харажатларни белгилайди. Бошланиш ҳужжат спорт иншоотини лойиҳаси ҳисобланиб бундан жисмоний тарбия ва спорт ҳодимлари қатнашишлари шарт.

Қурилиш ишларини ражалаштириш (спорт иншоотларини қуриш ишларига жой ажратиш) маҳаллий ташкилотларни руҳсатномаси, архитектура-режалаштириш бошқармаси (АРБ) қават фасади ва жиҳозлаш ҳамда ободонлаштириш ишларига руҳсат ва кўрсатма беради. Буюртмачи ташкилот қурувчи ташкилот билан ҳуқуқий шартнома тузиб, қурилиш муддати ва сарф харажатларни келишиб оладилар. Қурилиш лойиҳасида спорт иншоотларини қисмлаб ва тўла чизмаси, техник ҳолати, фундаменти, девори, томи, электр тармоқлари, вентиляция, сув билан таъминлаши, радио-телефон барча спорт жиҳозлари ўрнатиш тартиблари мужассамланган бўлиши керак. Қурилиш монтаж ишларини бошлашдаги буюртмачи бажарувчи ташкилотлар ўртасида тузилган ва ҳуқуқий тартибда тасдиқланган шартнома асосида бошланади. Жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкиллаш-бошқариш ишлаб чиқаришни барча тармоқларида унинг аниқ маълумоти ва ҳисоби билан белгиланади.

Спорт иншоотларининг тоифалари

Олий тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий курсаткичлари, улчам ва жиҳозланганлиги миллий ва халқаро тоифадаги мусобақалар ва турнирларни (Олимпия уйинлари, Жаҳон чемпионати, Осиё чемпионати, Ўзбекистон чемпионати, Жаҳон кубоги, Осиё кубоги, Ўзбекистон кубоги) ўтказилишини таъминлаб беради. Укув-машк объекти (объектлари) мавжуд бўлган ҳолда, бу тоифа иншоотларининг асосий объекти (объектлари) профессионал спортчилар укув-машк машгулотлари учун ишлатилмаслиги мумкин. Иншоот аҳоли ва хаваскор спортчилар

билан ишлаш учун мулжалланмаган. Олий тоифадаги спорт иншооти куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Иншоот спорт турлари буйича халқаро ва ҳудудий федерациялари томонидан тасдиқланган қоида ва регламенти буйича мусобакалар ўтказишни таъминлаб бериши шарт. Иншоот мусобака катнашчилари давлат байроқлари, мусобака ташкилотчилари ва мусобакада катнашаётган жамоалар байроқлари учун мулжалланган байроқ дасталари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

2. Томошабинлар, VIP меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) вакиллари ва спортчиларга (шу жумладан бошқа мамлакатлардан келган) қулайликлар яратиб бериши зарур:

- Трибуналар (томошабинлар жойлари)даги жойлар сони иншоотда ўтказилаётган мусобакалар спорт турининг оммавийлигига қараб белгиланади;

- Иншоот ногиронлар учун махсус кириш ва чиқиш жойлари, шунингдек ўтиш йуллари ва трибуналардаги жойларга эга бўлиши шарт;

- Ногиронлар учун мулжалланган жойлар сони трибунадаги умумий жойлар сонидан 0,5%-ни ташкил қилиши шарт;

- VIP жойлар сони трибунадаги умумий жойлар сонидан 1-5%-ни ташкил қилиши шарт;

- Трибуналардаги уриндиклар халқаро санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши шарт;

- Иншоот, 10-20 кишидан иборат VIP-меҳмонлар, мулжалланган микроклимат таъминлаб берилган, алоҳида ёпик хоналарга эга бўлиши шарт;

- Иншоот телевизион ва ахборот панеллари, ҳамда электрон-рақамли таблолар билан жиҳозланган бўлиши шарт;

- Иншоот автомобил тўхташ жойига эга бўлиши шарт. Автомобил тўхташ жойидаги жойлар сони бир вақтинг ўзида спорт иншоотига келиб-кетувчилар сонидан 3-8%-ни ташкил қилиши шарт;

- Иншоот замонавий ахборот технологиялари (компьютер тизимлари ва периферия ускуналари, нусха қучириш техникаси, факс ва телефон алоқаси (шу жумладан йўлдошли алоқа), катта тезликдаги Internet глобал тармоғига ўланганлик) билан жиҳозланган матбуот маркази хоналарига эга бўлиши шарт;

- Иншоот, матбуот конференцияларини ўтказиш учун мулжалланган, конференц-залга эга бўлиши шарт;

- Иншоот, йўлдош каналлари ёрдамида мусобакаларни ўзок ва яқин чет эл мамлакатларига бевосита ўзатиш учун, режиссёрлик пульти билан жиҳозланган, телевизион марказига, телевизион камералар ва телетасвирчилар учун махсус ажратилган жойларга эга бўлиши шарт;

- Иншоот фотокорреспондентлар учун махсус ажратилган жойларга эга бўлиши шарт;

- Иншоот, маълумотларни бевосита қабул қилиб олиш ускуналари билан жиҳозланган, шарҳловчилар хоналарига (кабинкаларига, пультаарига) эга бўлиши шарт;

- Иншоот, шу спорт иншоотида ўтказилган мусобакалар статистик маълумотларини олиш учун мулжалланган ахборот тизими, ҳамда шу мусобакаларни видео тасвирларини қўриш учун кинотеатри билан жиҳозланган, спорт ютуқлари тарихий музейига эга бўлиши шарт;

- Иншоот санитария ўзеллари, жаҳон стандартларга жавоб берадиган, сифатли санитария техникаси билан жиҳозланган бўлиши шарт;

- Иншоот, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва трибуналардаги томошабинларни овқат ва салқин ичимликлар билан таъминлаб берувчи, ресторанга эга бўлиши шарт;

- Иншоот, томошабинлар, ОАВ вакиллари, VIP ва спортчиларни олиб юришга мулжалланган, транспорт воситаларига эга бўлиши шарт;

- Спортчилар қийиниб-ечиниш хоналари жаҳон талабларига мувофиқ жиҳозланган бўлиши шарт;

- Иншоот тиббиёт пункти (маркази) биринчи ёрдам қўрсатиш учун мулжалланган барча қўракли ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт. Шунингдек, тиббиёт пунктида (марказида) массаж хонасини ташкил қилиш зарур;

- Иншоот, спортчиларни мусобакаларга тайёрларлик қўриши учун, қўракли жиҳозларга эга, тренажёр зали билан жиҳозланган бўлиши шарт;

- Спортчилар ўқув-машқлардан сўнг дам олишлари учун дам олиш хоналари ташкил этилиши шарт.

3. Мусобака ва укув-машк машгулотларини утказишда хавфсизлик таъминланиши шарт:

- Иншоот, томоша трибуналарига, хизмат хоналарига, иншоотларга кириш жойларида назорат утказиш пунктлари (НУП) билан жихозланган булиши шарт. НУПни металл-кидирув ускуналари (стационар ва мобил металл-кидирувчилар) билан жихозлаш зарур;

- Иншоот, “улик зоналар” йуклигини таъминловчи назорат тизимлари, куриклаш ва ёнгиндан огох этувчи, ут-учириш тизимлари билан жихозланган булиши шарт. Тизимлар устидан назорат махсус ходимлар томонидан олиб борилади;

- Иншоот, асосий объект ва томоша трибуналарини ажратиб турувчи химоя панжаралари билан жихозланган булиши шарт;

- Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва куткарув хизмати постларига, ҳамда махсус машиналар (ут-учириш, биринчи тиббий ёрдам, куткарув ва хавфсизлик хизмати) учун мулжалланган ҳудудларга эга булиши керак;

- Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг керакли координацияланган иш олиб боришини таъминлаб бериши шарт;

- Иншоот, спортчи ва VIP-мехмонларни тезкор эвакуация қилиш учун мулжалланган, эҳтиёт чикиш йулларига эга булиши шарт.

4. Хизмат курсатиш ходимларига қулайликлар яратиб бериши зарур:

- Иншоот, асосий объектга хизмат курсатиш учун мулжалланган, барча керакли техник ускуналар билан жихозланган булиши шарт;

- Иншоот, томошабинлар, ОАВ вакиллари, VIP ва спортчиларга юкори савияда хизмат курсатиш учун мулжалланган, барча керакли техник ускуналар билан жихозланган булиши шарт;

5. Иншоот йирик мегаполис атрофида, халқаро аэропортдан ва катта мехмонхоналардан 10-20 км дан ошмаган масофада жойлашиши, шаҳар транспорт-йул тизимлари билан органик уйғунлашган булиши шарт.

6. Иншоот архитектураси ва дизайни жойлашган ҳудуд ва атрофдаги бинолар умумий қиёфаси билан органик уйғунлашган булиши керак.

Спорт иншооти эгасининг вазифаси: Имтиёзли асосда (курсатилган хизматлар учун нарх миқдори 50 фоиздан ошмаслиги шарти билан) иншоотни, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қумитаси томонидан ташкил қилинадиган мусобакаларни утказиш учун бериш.

1-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий курсаткичлари, улчам ва жихозланганлиги миллий ва халқаро тоифадаги мусобакалар ва турнирлар (Осиё чемпионати, Ўзбекистон чемпионати, Осиё кубоги, Ўзбекистон кубоги), ҳамда профессионал спортчилар укув-машк машгулотларини утказилишини таъминлаб беради. Иншоот аҳоли ва шунингдек хаваскор спортчилар билан ишлаш учун мулжалланмаган.

1-тоифадаги спорт иншооти қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Иншоот спорт турлари бўйича халқаро ва ҳудудий федерациялари томонидан тасдиқланган қоида ва регламенти бўйича мусобакалар утказишни таъминлаб бериши шарт. Иншоот мусобака катнашчилари давлат байроклари, мусобака ташкилотчилари (спорт федерациялари ва бошқалар) ва мусобакада катнашаётган жамоалар байроклари учун мулжалланган байроқ дасталари билан жихозланган булиши шарт.

2. Томошабинлар, VIP мехмонлар, ОАВ вакиллари ва спортчиларга (шу жумладан бошқа мамлакатлардан келган) қулайликлар яратиб бериши зарур:

- Трибуналар(томошабинлар жойлари)даги жойлар сони иншоотда утказилаётган мусобакалар спорт турининг оммавийлигига қараб белгиланади;

- Иншоот ногиронлар учун махсус кириш ва чикиш жойлари, шунингдек утиш йуллари ва трибуналардаги жойларга эга булиши шарт;

- Ногиронлар учун мулжалланган жойлар сони трибунадаги умумий жойлар сонидан 0,5%-ни ташкил қилиши шарт;

- VIP жойлар сони трибунадаги умумий жойлар сонидан 1-5%-ни ташкил қилиши шарт;

- Трибуналардаги уриндиклар халқаро санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши шарт;

- Иншоот, 5-10 кишидан иборат VIP-мехмонлар, мулжалланган микроклимат таъминлаб берилган, алоҳида ёпик хоналарга эга булиши шарт;

- Иншоот телевизион ва ахборот панеллари, ҳамда электрон-ракамли таблолар билан жихозланган булиши шарт;
 - Иншоот автомобил тухташ жойига эга булиши шарт. Автомобил тухташ жойидаги жойлар сони бир вақтнинг узида спорт иншоотида келиб-кетувчилар сонидан 3-8%ни ташкил қилиши шарт;
 - Иншоот замонавий ахборот технологиялари (компьютер тизимлари ва периферия ускуналари, нусха кучириш техникаси, факс ва телефон алоқаси (шу жумладан йулдошли алоқа), катта тезликдаги Internet глобал тармоғига уланганлик) билан жихозланган матбуот маркази хоналарига эга булиши шарт;
 - Иншоот, матбуот конференцияларини утказиш учун мулжалланган, конференц-залга эга булиши шарт;
 - Иншоот, йулдош каналлари ёрдамида мусобакаларни узок ва яқин чет эл мамлакатларига бевосита узатиш учун, режиссёрлик пулти билан жихозланган, телевизион марказига, телевизион камералар ва телетасвирчилар учун махсус ажратилган жойларга эга булиши шарт;
 - Иншоот фотокорреспондентлар учун махсус ажратилган жойларга эга булиши шарт;
 - Иншоот, маълумотларни бевосита қабул қилиб олиш ускуналари билан жихозланган, шархловчилар хоналарига (кабинкаларига, пультаарига) эга булиши шарт;
 - Иншоот санитария узеллари, жаҳон стандартларга жавоб берадиган, сифатли санитария техникаси билан жихозланган булиши шарт;
 - Иншоот, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва трибуналардаги томошабинларни овқат ва салқин ичимликлар билан таъминлаб берувчи, ресторанга эга булиши шарт;
 - Иншоот, томошабинлар, ОАВ вакиллари, VIP ва спортчиларни олиб юришга мулжалланган, транспорт воситаларига эга булиши шарт;
 - Спортчилар кийиниб-ечиниш хоналари жаҳон талабларига мувофиқ жихозланган булиши шарт;
 - Иншоот тиббиёт пункти (маркази) биринчи ёрдам курсатиш учун мулжалланган барча керакли ускуналар билан жихозланган булиши шарт. Шунингдек, тиббиёт пунктида (марказида) массаж хонасини ташкил қилиш зарур;
 - Иншоот, спортчиларни мусобакаларга тайёргарлик қуриши учун, керакли жихозларга эга, тренажёр зали билан жихозланган булиши шарт;
 - Спортчилар укув-машқлардан сунг дам олишлари учун дам олиш хоналари ташкил этилиши шарт.
3. Мусобака ва укув-машқ машгулотларини утказишда хавфсизлик таъминланиши шарт:
- Иншоот, томоша трибуналарига, хизмат хоналарига ва ш.у. иншоотларга кириш жойларида назорат утказиш пунктлари билан жихозланган булиши шарт. НУПни металл-кидирув ускуналари (стационар ва мобил металл-кидирувчилар) билан жихозлаш зарур;
 - Иншоот, “улик зоналар” йуклигини таъминловчи назорат тизимлари, куриклаш ва ёнгиндан огоҳ этувчи, ут-учириш тизимлари билан жихозланган булиши шарт. Тизимлар устидан назорат махсус ходимлар томонидан олиб борилади;
 - Иншоот, асосий объект ва томоша трибуналарини ажратиб турувчи химоя панжаралари билан жихозланган булиши шарт;
 - Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва куткарув хизмати постларига, ҳамда махсус машиналар (ут-учириш, биринчи тиббий ёрдам, куткарув ва хавфсизлик хизмати) учун мулжалланган ҳудудларга эга булиши керак;
 - Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг керакли координацияланган иш олиб боришини таъминлаб бериши шарт;
 - Иншоот, спортчи ва VIP-меҳмонларни тезкор эвакуация қилиш учун мулжалланган, эҳтиёт чиқиш йулларига эга булиши шарт.
4. Хизмат курсатиш ходимларига қулайликлар яратиб бериши зарур:
- Иншоот, асосий объектга хизмат курсатиш учун мулжалланган, барча керакли техник ускуналар билан жихозланган булиши шарт;
 - Иншоот, томошабинлар, ОАВ вакиллари, VIP ва спортчиларга юқори савияда хизмат курсатиш учун мулжалланган, барча керакли техник ускуналар билан жихозланган булиши шарт;

5. Иншоот йирик мегаполис атрофида, халқаро аэропортдан ва катта меҳмонхоналардан 20-30 км дан ошмаган масофада жойлашиши, шаҳар транспорт-йул тизимлари билан органик уйғунлашган бўлиши шарт.

Спорт иншооти эгасининг вазифаси: Имтиёзли асосда (курсатилган хизматлар учун нарх миқдори 50 фоиздан ошмаслиги шарти билан) иншоотни, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт кумитаси томонидан ташкил қилинадиган мусобакаларни утказиш учун бериш.

2-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий курсаткичлари, улчам ва жихозланганлиги ҳудудий тоифадаги Республика, туман ва шаҳар мусобакалари ва турнирлари (чемпионатлар, биринчиликлар в ш.у.), оммавий малакадаги спортчилар (профессионал ва хаваскорлар) укув-машқ машгулотларини утказишнинг таъминлаб беради. 2-тоифадаги спорт иншооти укув-машқ ишлари ва аҳолини спорт билан шугулланиши учун мулжалланган. Аҳоли билан ишлаш учун фойдаланиш меъёрий вақтидан 40%-ни ташкил қилади.

2-тоифадаги спорт иншооти қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Иншоот спорт турлари бўйича ҳудудий федерациялари томонидан тасдиқланган қоида ва регламенти бўйича мусобакалар утказишни таъминлаб бериши шарт. Иншоот Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, мусобака ташкилотчилари (спорт федерациялари ва бошқалар) ва мусобакада катнашаётган жамоалар байроқлари учун мулжалланган байроқ дасталари билан жихозланган бўлиши шарт.

2. Томошабинлар, VIP меҳмонлар, ОАВ вакиллари ва спортчиларга (шу жумладан бошқа мамлакатлардан келган) қулайликлар яратиб бериши зарур:

- Трибуналар(томошабинлар жойлари)даги жойлар сони иншоотда утказилаётган мусобакалар спорт турининг оммавийлигига қараб белгиланади;

- Иншоот ногиронлар учун махсус кириш ва чиқиш жойлари, шунингдек утиш йуллари ва трибуналардаги жойларга эга бўлиши шарт;

- Ногиронлар учун мулжалланган жойлар сони трибунадаги умумий жойлар сонидан 0,5%-ни ташкил қилиши шарт;

- VIP жойлар сони трибунадаги умумий жойлар сонидан 1-5%-ни ташкил қилиши шарт;

- Трибуналардаги уриндиклар давлат санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши шарт;

- Иншоот ахборот панеллари, ҳамда электрон-рақамли таблолар билан жихозланган бўлиши шарт;

- Иншоот автомобил тўхташ жойига эга бўлиши шарт. Автомобил тўхташ жойидаги жойлар сони бир вақтнинг ўзида спорт иншоотига келиб-кетувчилар сонидан 3-8%ни ташкил қилиши шарт;

- Иншоот матбуот маркази хоналарига эга бўлиши шарт;

- Иншоот, матбуот конференцияларини утказиш учун мулжалланган, конференц-залга эга бўлиши шарт;

- Иншоот, режиссёрлик пулти билан жихозланган, телевизион марказига, телевизион камералар ва телетасвирчилар учун махсус ажратилган жойларга эга бўлиши шарт;

- Иншоот фотокорреспондентлар учун махсус ажратилган жойларга эга бўлиши шарт;

- Иншоот, маълумотларни бевосита қабул қилиб олиш ускуналари билан жихозланган, шарҳловчилар хоналарига (кабинкаларига, пултларига) эга бўлиши шарт;

- Иншоот, давлат стандартларига жавоб берадиган ва трибуналардаги томошабинларни овқат ва салқин ичимликлар билан таъминлаб берадиган, кафега эга бўлиши шарт;

- Иншоот тиббиёт пункти (маркази) биринчи ёрдам курсатиш учун мулжалланган керакли ускуналар билан жихозланган бўлиши шарт. Шунингдек, тиббиёт пунктида (марказида) массаж хонасини ташкил қилиш зарур;

- Иншоот, спортчиларни мусобакаларга тайёргарлик қилиши учун, керакли жихозларга эга, тренажёр зали билан жихозланган бўлиши шарт.

3. Мусобака ва укув-машқ машгулотларини утказишда хавфсизлик таъминланиши шарт:

- Иншоот, томоша трибуналарига, хизмат хоналарига, иншоотларга кириш жойларида назорат утказиш пунктлари билан жихозланган бўлиши шарт;

- Иншоот куриклаш ва ёнгиндан огоҳ этувчи, ут-учириш тизимлари билан жихозланган бўлиши шарт. Тизимлар устидан назорат махсус ходимлар томонидан олиб борилади;

- Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва куткарув хизмати постларига, ҳамда махсус машиналар (ут-учириш, биринчи тиббий ёрдам, куткарув ва хавфсизлик хизмати) учун мулжалланган ҳудудларга эга бўлиши керак;

- Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг керакли координацияланган иш олиб боришини таъминлаб бериши шарт;

- Иншоот, спортчи ва VIP-меҳмонларни тезкор эвакуация қилиш учун мулжалланган, эҳтиёт чикиш йулларига эга бўлиши шарт.

3. Хизмат курсатиш ходимларига қулайликлар яратиб бериши зарур:

- Иншоот, асосий объектга хизмат курсатиш учун мулжалланган, техник ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт;

- Иншоот, томошабинлар, ОАВ вакиллари, VIP ва спортчиларга хизмат курсатиш учун мулжалланган, барча керакли техник ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Спорт иншооти эгасининг вазифаси:

1. Имтиёзли асосда (курсатилган хизматлар учун нарх миқдори 50 фоиздан ошмаслиги шarti билан) иншоотни, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт кумитаси томонидан ташкил қилинадиган мусобакаларни утказиш учун бериш.

2. Ёшлар орасида спорт оммавий тадбирларни утказиш (ижара ҳаққини туламаган ҳолда қунига икки соат);

3. Аҳолини турли кунгил очар тадбирлар (шоу, концертлар ва бошқалар) утказиб жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб қилиш;

4. Имтиёзли шахсларга имтиёзли хизмат курсатиш (16 ёшгача бўлган болалар, ногиронлар, спорт фахрийлари ва бошқалар).

3-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий курсаткичлари, улчам ва жиҳозланганлиги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт машғулотлари ёки оммавий мусобакалар шароитларини яратиб беради. 3-тоифадаги спорт иншооти укув-машк ишлари ва аҳолини спорт билан шугулланиши учун мулжалланган. Аҳоли билан ишлаш учун фойдаланиш меъёрий вақтидан 60%-ни ташкил қилади.

3-тоифадаги спорт иншооти қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Иншоот спорт турлари бўйича ҳудудий федерациялари томонидан тасдиқланган қоида ва регламенти бўйича мусобакалар утказишни таъминлаб бериши шарт. Иншоот Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи, мусобака ташкилотчилари (спорт федерациялари ва бошқалар) ва мусобакада қатнашаётган жамоалар байроклари учун мулжалланган байрок дасталари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

2. Томошабинлар ва спортчиларга қулайликлар яратиб бериши зарур:

- Трибуналар(томошабинлар жойлари)даги жойлар сони иншоотда утказилаётган мусобакалар спорт турининг оммавийлигига қараб белгиланади;

- Иншоот ногиронлар учун махсус кириш ва чикиш жойлари, шунингдек утиш йуллари ва трибуналардаги жойларга эга бўлиши шарт;

- Ногиронлар учун мулжалланган жойлар сони трибунадаги умумий жойлар сонидан 0,5%-ни ташкил қилиши шарт;

- Иншоот ахборот панеллари билан жиҳозланган бўлиши шарт;

- Иншоот автомобил тухташ жойига эга бўлиши шарт. Автомобил тухташ жойидаги жойлар сони бир вақтнинг узида спорт иншоотига келиб-кетувчилар сонидан 3-8%ни ташкил қилиши шарт;

- Иншоот, маълумотларни бевосита қабул қилиб олиш ускуналари билан жиҳозланган, шарҳловчи хонасига (кабинкасига, пультага) эга бўлиши шарт;

- Иншоот, давлат стандартларига жавоб берадиган, кафега эга бўлиши шарт;

- Иншоот тиббиёт пункти (маркази) биринчи ёрдам курсатиш учун мулжалланган керакли ускуналар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

3. Мусобака ва укув-машк машғулотларини утказишда хавфсизлик таъминланиши шарт:

- Иншоот, томоша трибуналарига, хизмат хоналарига ва ш.у. иншоотларга кириш жойларида назорат утказиш пунктлари билан жиҳозланган бўлиши шарт;

- Иншоот куриклаш ва ёнгиндан огоҳ этувчи, ут-учириш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши шарт. Тизимлар устидан назорат махсус ходимлар томонидан олиб борилади;

- Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва куткарув хизмати постларига, ҳамда махсус машиналар (ут-учириш, биринчи тиббий ёрдам, куткарув ва хавфсизлик хизмати) учун мулжалланган ҳудудларга эга бўлиши керак;

- Иншоот ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг керакли координацияланган иш олиб боришини таъминлаб бериши шарт.

Спорт иншооти эгасининг вазифалари:

1. Ёшлар орасида спорт оммавий тадбирларни утказиш (ижара ҳаққини туламаган ҳолда кунига икки соат);

2. Аҳолини турли кунгил очар тадбирлар (шоу, концертлар ва бошқалар) утказиб жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб қилиш;

3. Имтиёзли шахсларга имтиёзли хизмат курсатиш (16 ёшгача бўлган болалар, ногиронлар, спорт фахрийлари ва бошқалар).

4-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий курсаткичлари, улчам ва жихозланганлиги аҳоли орасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт машғулотлари утказилишини таъминлаб беради. 4-тоифадаги спорт иншооти аҳолини спорт билан шугулланиши учун мулжалланган.

4-тоифадаги спорт иншооти куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Иншоот, Ўзбекистон Республикасидаги тасдиқланган меъёрларга асосланган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт машғулотларини утказилишини таъминлаб беради.

2. Томошабин ва шугулланувчиларга қулайлик яратиб бериш зарур:

- Трибуналардаги жойлар сони иншоотда утказилаётган мусобакалар спорт турининг оммавийлигига қараб белгиланади;

- Иншоот ахборот панеллари билан жихозланган бўлиши шарт;

- Иншоот тиббиёт маркази биринчи ёрдам курсатиш учун мулжалланган керакли доридармонларга эга бўлиши шарт.

3. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларини утказишда хавфсизлик таъминланиши шарт. Иншоот куриклаш ва ёнгиндан огоҳ этувчи, ут-учириш тизимлари билан жихозланган бўлиши шарт. Тизимлар устидан назорат махсус ходимлар томонидан олиб борилади.

Спорт иншооти эгасининг вазифалари:

1. Ёшлар орасида спорт оммавий тадбирларни утказиш (ижара ҳаққини туламаган ҳолда кунига икки соат);

2. Аҳолини турли кунгил очар тадбирлар (шоу, концертлар) утказиб жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб қилиш;

3. Имтиёзли шахсларга имтиёзли хизмат курсатиш (16 ёшгача бўлган болалар, ногиронлар, спорт фахрийлари ва бошқалар).

5-тоифадаги спорт иншооти – спорт иншоотининг асосий курсаткичлари, улчам ва жихозланганлиги спорт кунгил-очар тадбирларини (спорт кунгил-очар иншоотлари) утказишни таъминлаб беради. 5-тоифа спорт иншоотларига: боулинг, биллиард ва дартс клублар ва имтиёзли шахсларга (16 ёшгача бўлган болалар, ногиронлар, спорт фахрийлари ва бошқалар) имтиёзлар яратмаган ҳолда, даромад олиш мақсадли бошқа иншоотлар қиради.

5-тоифадаги спорт иншооти куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

1. Ташир буюрувчиларга қулайликлар яратиб бериши зарур.

2. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларини утказишда хавфсизлик таъминланиши шарт. Иншоот куриклаш ва ёнгиндан огоҳ этувчи, ут-учириш тизимлари билан жихозланган бўлиши шарт.

3. Иншоот ҳудудида спиртли ичимлик ва тамакии сотиш тақиқланади.

4. Иншоот ҳудудида кимор уйинларини уйнаш ман қилинади.

Спорт иншоотларининг синфларга ажратилиши

Спорт иншоотларининг номларини ишлатишда бир шаклга ва ухшашликга келтириш мақсадида, куйида курсатилган синфланиш ва терминология ишлатилади:

Спорт иншоотлари – турли спорт турлари бўйича спорт мусобакаларни, укув-машк жараёнини, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва кунгил-очар спорт ишларини утказишга имконият яратувчи ва тегишли анжомлар билан жихозланган очик ва ёпилган турдаги иншоотлар.

Курилиш меъёр ва коидаларининг спорт иншоотларига куйиладиган талабларига жавоб берадиган иншоотлар.

Фойдаланиш турлари буйича спорт иншоотлари спорт-томоша, укув-машгулот ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш (аҳолининг фаол дам олиши учун мулжалланган) иншоотларига булинади.

Спорт-томоша иншоотлари – томошабинлар учун мулжалланган, трибуна ёки нормал куринишни ва эвакуация талабларини таъминлаб берувчи алохида каторлар куринишидаги махсус (ёпилган бинолар ичида – 500 ва ундан ортиқ; очик хавода – 1500 ва ундан ортиқ) жойларга эга булган иншоотлар. Уларга стадионлар, спорт саройлари, универсал майдончалар, велодромлар, автомотодромлар, чанги ва тоғ-чанги стадионлари ва бошқа трибуна, уриндик, туриш учун жойларга эга булган спорт иншоотлари киради.

Укув-машгулот иншоотлари – укув-машк жараёни утишини таъминлаб берувчи иншоотлар. Укув-машгулот иншоотларига мактаблар, олий ва урта-махсус укув юр்தларининг спорт базалари ва олий малакадаги спортчиларни тайёрлаш укув-машк марказлари киради. Томошабинларга мулжалланган жойлар мавжудлигидан катъий назар эшак эшиш, елканли кайик, чанги, тоғ-чанги, чана-бобслей, ук отиш, конькида югуриш, от спорти (ипподромлардан ташқари), шахмат ва шашка спорт турлари иншоотлари укув-машк иншоотларига киради.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотлари – жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини ва аҳолини фаол дам олиши учун мулжалланган иншоотлар. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари машгулотлар шугулланувчилардан махсус тайёргарликни талаб қилмайдиган, ҳаёти ва саломатлигига ҳавф тугдирмайдиган барча иншоотларда олиб борилиши мумкин. Узини архитектура-режалаш хусусиятларига кура иншоотлар махсус қурилган ва ихтисослаштирилган иншоотларга булинади.

Махсус қурилган спорт иншоотлари – алохида белгиланган махсус ер майдонида, қурилиш меъёрларига мос махсус архитектура лойихаси буйича қурилган иншоотлар.

Ихтисослаштирилган спорт иншоотлари – спорт иншоотлари буйича қурилиш меъёрларига мос равишда қурилмаган, кейинчалик спорт иншоотларга ҳос қайта жихозланган иншоотлар.

Шунингдек, узини архитектура-режалаш хусусиятларига кура спорт иншоотлари алохида турувчи – алохида қурилган иншоотлар бинолари, бириктирилган – спорт ёки бошқа турдаги биноларга бириктирилган иншоотлар бўлиши мумкин.

Узини архитектура-режалаш ва ҳажм-конструктив хусусиятларига кура спорт иншоотлари ҳажмли ва ясси бўлиши мумкин. Ҳажмли иншоотларга барча ёпилган иншоотлар: спорт заллари, спорт саройлари, ёпилган хавзалар, ва манежлар киради; ясси иншоотларга – спорт майдонлари, коньки учиш йулқалари, чанги ва тоғ-чанги трассалари ва бошқалари киради.

Барча спорт иншоотлари, уларнинг қувватига кура, бир спорт тури учун мулжалланган (ихтисослаштирилган заллар, бир ваннали хавзалар, спорт турлари буйича майдончалар, футбол, регби, чим устида хоккей, бейсбол, от спорти, камондан отиш майдонлари, енгил атлетика ва конькида учиш йулқалари, чанги ва тоғ-чанги трассалари, чана-бобслей трассалари, велотреклар, от манежлари, ук отиш тирлари, ов ук отиш стендлари ва бошқалар) – якка, ва умумий ҳудуд ёки бинода жойлашган бир нечта алохида қурилган (стадионлар, спорт саройлари, бир нечта ваннали хавзалар, комплекс майдончалари, куп залли спорт корпуслари, ва бошқа шу турдаги спорт иншоотлари) – мужассамлаштирилган (комплекс) спорт иншоотларига булинади. Ҳажм-режалаш конструкция кура спорт иншоотлари очик ва ёпилган турларга булинади.

Очик спорт иншоотлари – бу, мусобака ва укув-машк машгулотлари очик осмон остида бўлиб утадиган иншоотлардир. Қуйида берилган 3-жадвалда спорт иншоотларининг ҳажм-режалаштириш конструкциясига кура синфланиши қуратилган.

Ёпиқ спорт иншоотлари – бу, мусобака ва укув-машк машгулотлари усти ёпилган зал, манеж, хавза, спорт саройлари ва ш.у. иншоотларда бўлиб утадиган иншоотлардир. Мусобака ва укув-машк машгулотлари очик хавода бўлиб утадиган, усти ёпилган иншоотлар ёпилган иншоотларга киради.

Ҳар бир якка спорт иншоотининг таркиби уч элементдан иборат: асосий иншоот (объект), ёрдамчи ва томошабинларга мулжалланган иншоотлар.

Асосий иншоот – мусобака ва укув-машк машгулотлари бевосита утадиган жой. Асосий иншоотнинг ҳажм-режалаштириш улчамлари, копланаси, белгиланиши ва усқуналари давлат

курилиш меъёрлари, мувофик спорт федерацияларининг мусобакалар утказиш коидалари ва регламентига, амал килувчи спорт иншоотлари спорт жихозлари ва ускуналари табелига мос келиши шарт.

Ёрдамчи иншоотлар – спорт билан шугулланувчилар ва мусобака катнашчилари учун мулжалланган иншоотлар. Ёрдамчи иншоотларга шугулланувчиларга хизмат курсатиш, инженер-техник хизмати, хужалик иншоотлари, маъмурий, тиббиёт, ОАВ вакиллари, хавфсизлик хизмати ходимлари учун мулжалланган иншоотлар ва хакамлар хонаси киради.

Томошабинларга мулжалланган иншоотлар – бу трибуна (кузгалмас, трансформацияланадиган), уриндиклар (курсилар) катори, туриш учун мулжалланган жойлар, вестибюль, фойе, балкон (ёпик ложа), буфет (кафе, ресторан), дам олиш хонаси, санитария узеллари (хожатхоналар), киоск (совгалар дукони) ва томошабинлар учун мулжалланган бошка иншоотлар. Укув-машк машгулотлари ёки жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб боришга мулжалланган иншоотлар томошабинлар учун мулжалланган махсус жихозланган иншоотларга эга эмас.

Спорт аренаси-бу спорт майдонини томошабинлар учун ўтиришга мўлжалланган жойлари билан бўлиб, бунда майдонни барча қисми томошабинларга бир хилда кўринишидир. Баъзи бир спорт ареналари фақат битта спорт турига мўлжалланган бўлади: Мисол учун дунёда энг катта футбол майдони “Маракана” бўлиб 150 минг томошабинга мўлжалланган. Кўп ареналар футбол майдони, енгил атлетика йўлчалари, сакраш ва улоқтириш секторларини ўзига жамлаган бўлади.

Спорт ареналар томошабин сиғдириш ҳажми ҳар хил бўлади. Мисол учун Украинадаги Киев стадиони 100 минг, Белоруссиядаги Минск стадиони 30 минг, Қозоғистондаги Алма-Ата 30 минг, Азарбежандаги Баку стадиони 40 минг, Грузиядаги Тбилис стадиони 25 минг, Санк-Петербургдаги Киев стадиони 80 минг, Тошкентдаги Пахтакор стадиони 70 минг, Фарғонадаги Нефтьчи стадионида 14 минг кишига мўлжалланган, Андижон Наврўз стадиони 15000, Баркамол авлод стадиони 20 000 кишига мўлжалланган.

Стадион бу-спорт комплекс бўлиб бир ва бир неча спорт тури бўйича машгулот ўтказишга ҳамда томошабинларга ўтириш учун жойи бўлган спорт қурилмасига айтилади. Стадион очик ва ёпик кўринишда бўлади.

Томошабинларни (трибунани) ҳажмига қараб стадионлар категорияга бўлинади. Стадион район, шаҳар, Республика, марказий ва Олимпиада тоифасига бўлинади. Стадион территорияси (майдони) ўз вазифасига қараб ўқув спорт машгулотлари, хўжалик, маъмурий ва дам олиш зоналарига бўлинади.

Катта масштабдаги стадионларни лойиҳасини тузишда, асосий спорт иншоотларини майдони 35% спорт майдонлари, трибуна ва қўшимча иншоотларни 25 фоизигача, комуникация йўлларини 20 фоизгача, қолган қисмини эса кўкаламзорлаштириш майдонлари эгаллайди. Баъзи бир марказий стадионлар умумий ер майдони 160 га ташкил қилади. Бундай стадионларда 30 дан ортиқ спорт турлари бўйича мусобакалар бир вақтний ўзида ўтказиш мумкин. Бундан ташқари уларда учта спорт майдони, футбол, баскетбол, волейбол майдонлари, очик ва ёпик сузиш ҳавзалари, гимнастика, кураш, бокс, оғир атлетика спорт заллари, теннис майдонларини ўз ичига олади. Транспорт ва томошабинлар ҳаракати ва ички комуникация хизматлари белгиланган меъёрда қурилган бўлади. Ҳозирги кунда Республикамиз пойтахти Тошкентда ва бир қанча вилоятларимизда замонавий бир неч спорт тури бўйича мусобакалар ўтказиш имкониятига эга бўлган спорт комплекслар мавжуддир.

Спорт майдонларини типлари. I-типдаги майдон бу ҳолда енгил атлетика асосан ўқув машгулотлари, волейбол ва баскетболларга мўлжалланган. Бу майдон таркибига тўғри югуриш йўлакчаси узунлиги 135 м, эни 7,5 м (6 та югуриш йўлакчаси) 2 та сакраш чуқури (2,7х6 м дан ҳар бири) 1 та баландликка сакраш учун (5х32 м) жой, 1 та жойидан сакраш учун, гимнастика шаҳарчаси (12 м), 2 та волейбол майдони (9х18 м, зар бирлари) 1 та баскетбол майдони (14х26 м) бўлиши керак.

Бу I-типдаги спорт майдонларининг умумий ҳажми 4900 м² бўлиб, бир вақтний ўзида енгил атлетика бўйича 80-108 гача бўлган кишилар шугулланиш имкониятига эга бўлади. Спорт ўйинлари бўйича 10-50 нафар киши шугулланиш мумкин.

II-типдаги майдон бу гимнастика бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган. Буни таркибига осилиб чиқиш учун колцо, шоти, аркон, гимнастика шотиси ва перекладиналар киради.

Сакраш учун 5x15 м чуқурга умумий майдон 600 м² бўлиб бир вақтни ўзида 40-50 та киши шуғулланиш имкониятига эга.

III-типдаги майдон бу футбол, кўл тўпи, диска копья гранатаси улоқтириш ва кичик тўп отиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказиш учун мўлжалланган.

Улоқтириш ва отиш турларининг футбол майдонига тўсиш- ган қилиб кирилади. III-тип майдонни умумий ҳажми 2950 м² ташкил қилади.

III-типдаги майдонлар ҳар хил кўринишда ва ҳар хил ҳажмда яъна 1960 м² дан 4930 м² га. Шуғулланувчилар сони эса 20-50 киши бўлиши мумкин.

IV-типдаги майдон волейбол, баскетбол бўйича спорт машғулотлари ва спорт мусобақалари ўтказишга мўлжалланган. Умумий майдони 540 м² бўлиб бир вақтни ўзида 35-40 киши баскетбол билан, секция машғулотларида эса 15-20 киши шуғулланади.

V-типдаги майдон кичик ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб волейбол, баскетбол универсал майдонлари бўлиб, умумий ҳажми 480 м², ўқув машғулотларда 30-40 кишигача шуғулланиши мумкин.

VI-типдаги майдон ўқув ва спорт машғулотларини ўтказишга мўлжалланган бўлиб, 4 стол тенниси жойлашиши мумкин. 15-20 киши шуғулланиш имкониятига эга.

VII-типдаги майдон волейбол бўйича юқори синф ўқувчилари учун спорт машғулотларини ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб (15x24 м) 15x25 нафар ўқувчилар шуғулланиши мумкин.

Валейбол ўйин майдони размери (18x9 м) бўлим атрофидаги чизиклар қалинлиги (5 см). Волейбол майдони жиҳозларига стойка 2 дона, сеткани қатириш (осиш учун ҳалқалар) сетка узунлиги (9.5 м эни 1 м), тўпни дамлаш учун компрессор ёки насос, ҳакам учун вишка. Майдонни чизиш учун ёғочдан ёки қаттиқ ватмандан тайёрланган трофорет, ҳакамлар учун 2 та соябон, ўқувчилар (ўйинчилар учун 2 та) скамейка, ҳакамлар учун 2 та байроқча секундамер, сеткани баландлиги ўлчаш учун ўлчагич, скакалкалар (20 та) ҳар хил оғирликдаги гантеллар (5 жуфт) ҳамда тўпни оғирлигини ўлчаш учун тарози.

Волейбол жисмоний сифатларни ривожлантириш учун ҳар хил қўшимча жиҳозлар (блок қўйиш, ҳужум қилиш, сакраш учун керак) бўлади. Волейбол майдонини қуришда асосий майдондан ташқари ҳавфсизликни таъминлаш учун (24x15) ҳажмда умумий майдони бўлишини таъминлаш керак. Волейбол майдони атрофини баландлиги 3 м сеткада ўралади, чунки тўпни узок масофага кетмаслиги ўқув ва спорт машғулотларини зичлигини таъминлаш мақсадида.

Техника ҳавфсизлигини таъминлаш учун майдонда бегона нарсалар бўлмаслигини таъминлаш ва майдон текис ҳамда сирпанчик бўлмаслиги керак. Ўйинчини оёқ кичими юмшоқ ва сирганмайдиган бўлиши керак.

Кўл тўпи учун майдон. Ўйин майдон размери қоида бўйича 38x18 м дан кичик бўлмаслиги керак майдон чизиклари қалинлиги 5 см. Майдондан жиҳозларга иккита ёғоч дарвоза (ёки темир варота) сеткаси билан (устун 8x8 см) дарвозани баландлиги 2 м (ердан) эни 3 м. Дарвоза оқ ва қора рангда 20 см қилиб бўялади. Дарвоза ҳамда майдон чизикларидан 2 м орқада сетка билан ўралади. Бундан ташқари ўйин учун 10 та тўп, скамейка 2 та свесток 2 та, насос ёки компрессор тўпни дамлаш учун, байроқча 2 та, шахмат секундамер 2 та, ҳисобни кўрсатиш учун ёзилган доска бўлиши керак.

Баскетбол майдони. Ўйин қоидаси бўйича баскетбол майдони размери 28x15 м бўлиб ҳавфсизлигини таъминлаш учун умумий майдон 31x18 м бўлиш керак. Майдондаги барча чизиклар қалинлиги 5 см қалинликда бўлиб оқ рангда чизилади. Шит ёғочдан ёки бошқа материалда бўлиб размери 180-105 см (янги қоида бўйича) Шитни олди қисми ҳалқа билан тенг баландликда (59x45 см) тўртбурчак чизилади. Шит майдон чизигидан ўйин майдонига 1 м 20 см ичкарига осилган ҳолда бўлиши керак. Ердан шит ости қисмигача 2 м 75 см бўлади. Сеткани узунлиги 40 см, колцо диаметри 45 см, шит билан колцони оғирлиги 15 см бўлади. Жарима майдони узунлиги 5.8 см, юз чизикдан, доиранинг бир қисми 180 см, баскетбол размерлари расмларда тўла кўрсатилган. Баскетбол ўйини учун тўп 20 та насос ёки компрессор, ўйинчилар ва ҳакамлар учун скамейкалар, тўпни ва шитни баландлигини ўлчаш учун ўлчагичлар, судялар учун секундамер, байроқча, шахмат соати ва бошқа қўшимча жиҳозлар керак бўлади. Футбол майдони-

ўқув машғулоти ва спорт мусобақаларини ва спорт мусобақаларини ўтказиш учун категорияларга бўлинади.

Ўйин жиҳозларига, бир жуфт доимий ёки қўшимча дарвоза, бурчакда байроқча, насос ёки кампрессор, свисток, ўйинчи ва ҳакамларга скамейка, секундамер ва бошқа қўшимча жиҳозлар. Стол теннис майдони теннис ва атрофи ўралган бўлиши керак. Битта теннис столи учун умумий техник ҳавфсизликни таъминлаш учун 8х4,5 м яъни стол атрофи 2,3 м бўш жой бўлиши керак. Стол теннис жиҳозларига: стол қора ёки кўк рангга бўялган, размери 1.5х22.74 м, баландлиги 0.76 м, кичик мактаб ўқувчилари учун 0.60-70 м бўлиши руҳсат берилади. Стол усти теннис, силлиқ ва кирк бўлиши керак. Ўртадаги чизиқ калинлиги 3 см, чеккадаги чик калинлиги 2 см. сеткани узунлиги 183 см, эни 15 см, стол қирғоқ қисмидан сета 15,25 см узунликда ўрнатилади. Шарни оғирлиги 2.40-2.53 г, шарни диаметри 3,72х3.82 см, ракеткани узунлиги 26-30 см, эни 15-17 см, оғирлиги 75-100 гр, стол атрофида, 2 м бўш жой бўлиши керак.

Гимнастика спорт жиҳозлари ва уларни ҳажмлари. Гимнастикадан шуғулланиш майдонлари учун типда бўлиб размери 28х16 м, галма-гал аёллар ва эркеклар шуғулланиши учун мўжалланган. 42х24 м 2 та комплекс бўлиб аёллар ва эркеклар шуғулланишга мўжалланган. Гимнастика жиҳозлар доимий ёки стадионлар (кўчма) типда бўлиши мумкин. Эркин машқлар учун майдон 14х14 м, якка чўп учун 10х5.5 м, гимнастика тўсинга (бревна) учун 10х5.5 м, осилган ҳалқа учун (колцо) 10х5.5 м, югуриш учун 21 м бўлиши керак, умумий жисмоний ривожлантирувчи машқлар бажариш учун комплекс жиҳозлари 12х4.4 м майдони бўлиши керак. Бадиий гимнастика машғулоти учун 17х14 м размер майдон бўлиши керак. Акробатика машқларни бажариш учун ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида 30х17 м майдон бўлиши керак. Комплекс гимнастика жиҳозларига қуйидагилар киради: тўсин, якка ва қўш чўплар, арқон, гимнастика ҳалқаси, гимнастика матраслари, шотилар, кўприк, гимнастика тайёкчалари, бадиий гимнастика учун лента, тўплар, арқончалар.

Халқаро гимнастика федерация нормативларида белгиланган ўлчам ва шакллар асосида гимнастика жиҳозлари тайёрланади. Гимнастика жиҳозлари, ўлчов бирлик меъёрлари ва улардан фойдаланишда техник ҳавфсизликлар нормаларга тўла жавоб бериши асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

“Қўш чўплар” (Брусья), Полга қатирилган бўлиши ҳамда барча техник талабларга тўла жавоб бериши керак. Ҳар хил баландликдаги “қўш чўп”ларни (брус) пастки ерда 150 см баландликда, юқори қисми эса 230 см ўрнатилади. Ўртасида 135 кг юкни кўтариши ва 5 см эгилиши нормада ҳисобланади.

“Якка чўп” (перекладина) грифи (асосий ушлайдиган қисми) текис бўлиб асосий ушлаб туриш қисмларига қатирилган бўлиб алоҳида ва универсал перекладина ҳамда ҳар хил баландликда бўлади.

Халқа асосан икки қисмда ёғочдан айланма ҳалқа, камар ҳамда тросдан иборат. Тросни асосий қисмида ҳар хил баландликда ўрнатиш ҳалқалари бор. Гимнастика ҳалқасини ички диаметри 18 см, ҳалқани танаси диаметри 28 см, камар узунлиги 70 см, тросни узунлиги 250 см. Ҳалқа оқ қайин, эман, арча ёғочидан силикланиб, тайёрланади. Трос махсус осмаларга подшипниклар ёрдамида кўтарилади. Ҳалқани юк кўтариш нормаси 250 кг юк осилиб текширилади.

Дастакли “ОТ” ҳар хил оёқлар билан ҳаракат машқларини бажаришга мўжалланган бўлиб ўз навбатида доимий ва универсал турларда бўлади. Гимнастика “ОТ” асосан ёғоч танаси, юмшоқ материал ва устидан қайиш ғилоф билан тортилган бўлади. “ОТ” асосий қисмига ўрнатилган иккита дастак ораси 39х45 см масофадаги ёғоч, дюралюмин билан асосий қисмга қатирилган бўлади. Асосий қисми узунлиги 160 см, эни 35 см, баландлиги 35 см, корпусни баландлиги 100-120 см орасида бўлади.

Ҳозирги кунда аёллар ва эркеклар учун сакраш мосламалари замонавий мосламалар “Пегас” ишлаб чиқилган бўлиб, гимнастика бўйича ўқув тренировка жараёнлари ва халқаро мусобақалар ва учун фойдаланилмоқда. Гимнастика дарслари жараёнларида анъанавий гимнастик “от ва эчки” дан фойдаланилади. Мактаб спорт залларига ўрнатилган гимнастика шотилари эни 160 см, баландлиги 3 м бўлади. Осилиб чиқиш учун арқон стандарт размери 515 см, диаметри 35-40 мм.

Спорт заллари ва уларни жиҳозлаш

Спорт анжомлари ва жиҳозлар билан етарли даражада жиҳозланган ўқув-ишларини бир ёки бир неча спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишга мўлжалланган бино спорт зали (спорт

ўйингоҳи) дейилади. Спорт заллари мутахассислашган ёки универсалликлари (кўп спорт турлари учун мўлжалланган) билан фарқланади.

Мутахассислашган спорт зали танлаб олинган спорт тури учун мўлжалланган бўлади. Унда кундалик ўқув тренеровка машғулотлар ўтказишга мўлжалланган. Бундай спорт залларига гимнастика, спорт ўйинлари заллари ва кураш, бокс, оғир атлетика, стол тенниси, бадминтон, теннис корти, шахмат ва шашка турлари учун мўлжалланган бинолар киради.

Спорт иншоотларини ҳажми, сони сарф харажатларни белгиловчи умумий ҳисоб ҳужжати ҳисобланади. Спорт классификациясида спорт иншооти паспортига қуйидагилар киради.

А). Очиқ алоҳида спорт иншоотлари

Б). Очиқ спорт комплекси

В). Ёпиқ спорт комплекси

Спорт иншоотни шахсий варақаси алоҳида балансда турган иншоотга расмийлаштирилиб унга спорт комитетидан категория (тоифа) белгиланади.

Типовой спорт заллари мактаб ўқувчилари сонига ва бошланғич ёки юқори синфларни алоҳида ёки барча бир бинода ўқитилишига қараб лойиҳалаштирилади.

Бошланғич синфлар учун 40-80 ўқувчига

9 йиллик учун 192-320 ўқувчига

Коллеж ва лицейлар учун 392, 600, 784, 1176, 1568, 1960. талабаларга

Мактабдаги спорт заллари кичик бўлишига қарамасдан универсал зал ҳисобланиб: у ерда жисмоний тарбия ўқув дастуридаги амалий машғулотларни ҳар хил шаклда ва методларда ўтказиш мумкин. Спорт заллар ўқув машғулотларини ва дарсдан ташқари спорт тўғаракларини уюштириш ва ўтказиш учун асосий ва қўшимча спорт анжом ва жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак.

Мактаб спорт залларини умумий техник, гигиеник ва педагогик талабларга жавоб бериши, керакли спорт анжомлар билан таъминланганлиги мактаб маъмурияти асосан жисмоний тарбия жамоасини вазифаси бўлиши керак. Мактаб залларини типлари ва уларни нормаларини Давлат стандарти асосида қурилади.

Мактаб спорт зали ўқув машғулотлар ўтказиладиган биноларга ёнма-ён қурилиб, жисмоний тарбиядан ўқув машғулотлари ва спорт тренеровкаларини ўтказиш учун техника ҳавфсизлигига риоя қилинган бўлиши керак. Спорт залларини қурилиши архитектура лойиҳаларига риоя қилган ҳолда қурилган бўлиши керак. Заллар маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилишга ҳам хизмат қилади. Кўп синфли катта мактабларга иккита ва ундан кўп заллари қурилган ҳолларда улардан фойдаланишда бир залдан иккинчи залга ўтишни ҳисобга олиш керак.

Спорт залларини юқори том қисмини формаси ва унга ишлатиладиган қурилиш материаллар ҳар хил бўлиши мумкин. Текис, бошқача формада қурилиш материаллари ҳамда бетон, арматура ёки ёғочдан қурилиши мумкин. Спорт заллари пол қисми текис ва силлиқ бўлиши керак.

Пол қисмини паски қисми асосан бетон ёки ёғоч буруслардан бўлиши керак. Чунки пол қисмини бақувват ва сифатлик ҳамда узоқ муддатга чидашни таъминлайди. Пол иссиқликларни ва товушини меъёрида бўлишига саълбий таъсир кўрсатадиган бўлмаслиги керак. Пол устига тушадиган юк оғирлиги 400 кг.м ошмаслиги керак. Пол устига спорт залини фойдаланишига қараб ҳар хил материаллар, резина бетон, ленолиум бўлади. Гимнастика, енгил атлетика заллари учун сакраш мосламалари қилинади. Полни чиримаслиги ва узоқ фойдаланиш мақсадида ишловлар берилиши ва вентиляциялар қўйилиши керак.

Спорт залининг девори. Спорт залининг девор қисми асосан юқори том қисмини ушлаб турадиган қисми бўлганлиги учун барча техник талаб нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда қурилиши шарт. Бундан ташқари зални том ва девор қисмига спорт жиҳозларини осилиши ва қатирилишини, лойиҳалашда ва қуришда ҳисобга олиш керак. Зал ойналари 2 м, баландликда, ташқарига очилиши мақсадида мувофиқдир, чунки спорт ўйинлари учун ойнакни синишдан сақлашга панжара ёки капрон тўрлари қўйилади. Эшикларни эни ва очилиши ҳам талаб даражасида бўлиши керак, чунки жиҳозларни олиб кириш ва чиқариш ҳамда техника ҳавфсизлигига риоя қилинган бўлиш керак.

Спорт залларини ёритилиши. Спорт заллари икки усулда ёритилади. Табиий ва сунъий усулда. Спорт залларини лойиҳалаштириш ва қуришда ёруғликни табиий ёритиш учун белгиланган нормада бўлишига эътибор бериш керак. Дераза қуёш чиқиш ва ботиш томонига

ўрнатиш керак, шу билан бирга қуёш нуридан сақлаш учун парда осилади. Зални электр ёриткичлари ишчи ва авария ҳоллари учун мўлжалланган бўлади. Залга ўрнатилган лампочкалар махсус плафон ёки люминисценсли лампа ўрнатилади.

Лампалар ҳар ойда бир икки маротаба тозаланиб турилади. Спорт зални типи ва спорт турига қараб лампалар горизантал ва вертикал ҳолда ўрнатилади. Спорт залларида спорт турларига қараб 300-500 Ваттлик лампалар ўрнатилади. Электр лампаларни ёритиш учун марказий шит ва ёқгичлар барча нормаларга риоя қилган ҳолда ўрнатилади. Музыка ва бошқа элеткр асбоблар улаш учун розеткалар ўрнатилади.

Спорт залларини иситиш. Куз ва қиш фаслида спорт залларда ўқув ва спорт тренировка машғулотларини бир меъёردа ўтиши у ердаги температурасига катта боғлиқдир. Спорт залида ҳаво температураси +15-17 ечиниш хонасида +19-23°, ювиниш хонасида (душда) +25, туалетда эса +17-21 бўлиши керак. Спорт залида ҳаво намлиги 40-60% нормада бўлиши керак. Иситиш тармоқлари куз ва қиш фаслларида тайёргарлиги техник назоратдан ҳар ўқув йили бошланишидан олдин текширилади.

Спорт залларини шамоллатиш. Спорт заллари табиий ва сунъий шамоллантирилади. Табиий шамоллантириш ташқаридаги ҳавони залга киритиб зални шамолланишига ва ҳавони янгилаб туришига ёрдам беради. Сунъий (механик) шамоллатгич махсус асбоблар ёрдамида ҳавони ташқаридан ичкарига ёки ичкаридан ташқарига, кириб чиқишини таъминлайди. Спорт залларни шамоллатишнинг асосий вазифаси заллар ҳавосини чанглардан тозалаш ва тоза ҳаво билан таъминлашдир.

Спорт заллари бўёғи. Спорт залларини техник, эстетик ҳолатиларидан киши кайфиятига ҳамда ўқув-спорт машғулотларини қизиқарли руҳда ўтишига ижобий таъсир кўрсатиш омилларидан бири спорт зали раскраси - бўёғи рангидир. Спорт залларини бўёғи кайфиятга яхши таъсир кўрсатадиган бўлиши ва спорт залларнинг спорт жиҳозлар ранги ҳам очик рангда бўлиши керак. Спорт майдонларини чизиш асосий қоидаларда белгиланган тартибда ҳар бир спорт тури учун алоҳида чизилади. Спорт ўйинлари майдони, югуриш йўлакчалари, стартдан чиқиш ва старга бориш чизиқлари аниқ ва кўринарли бўлиши шарт. Чизиқ чизишда елим, бўёқ турларидан фойдаланилади.

Универсал спорт залларидаги спорт майдонларини бир биридан фарқлаш учун, чизиқлар ажралиб туриш учун турли бўёқларда чизилади. Чизиқларни чизиш учун катта чизиқ чизувчи формадаги тахтакчалар тайёрланади. Бир неча майдонлар бўлса ёки мини ўйинлар учун пунктир чизиқлар чизилади. Чизиқларнинг қалинлиги 5 см, чизилади.

Спорт залларини ёнғиндан сақлаш бўйича жиҳозлари. Спорт залларини ёнғиндан сақлаш учун керакли жиҳозлари доимо тайёр бўлиш керак. Булар махсус шит. 2 та ўт ўчирувчи ускунаси (огнетушитель) 2-4 пақир, 2-4 та болта, 1-2 лом, 1-2 та курак, кумли яшиқлар доимо жойида бўлиши керак. Оммавий спорт тадбирлар ўтказилганда томашабинлар сони 70 см га 1 кишидан ошмаслиги керак. Ҳар бир спорт залларида эвакуация плани бўлиши шарт. Асосий ва қўшимча кириш жойларида ҳалақит берадиган нарсалар бўлмаслиги керак.

Сузиш ҳавзалари турлари ва улардан фойдаланиш

Сузиш бўйича ўқув ва спорт машғулотлари сузишнинг барча усуллари, сувга сакраш ва сувдаги спорт ўйинлари сузиш ҳавзаларида ўтказилади. Сузиш ҳавзаси очик - яъни табиий сузиш ҳавзаларига ҳамда махсус қурилган ва жиҳозланган спорт иншоотига бўлинади.

Коллежлар ва лицейлар жисмоний тарбия ўқув дастурида сузиш учун 14 соат ажратилган. Таълим муассасаларида сузиш ҳавзаси бўлмаган ҳолларда шу яқин спорт иншоотларида ўқув машғулотлари ўтказиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Сузиш ва уни инсон организмига қанчалар ижобий таъсири тўғрисида адабиётлар ҳамда қўлланмалар бор. Очик сузиш ҳавзалари сузиш учун, сувга сакраш, ўйинлари учун табиий ёки махсус қурилмалари билан фарқ қилади. Сузиш ҳавзалари жойлашган алоҳида ҳар томонлама ўралган бўлади. Очик спорт сузиш ҳавзалари алоҳида ёки комплекс қурилган бўлиб битта ёки бир нечта ҳавза бўлиб битта худудда жойлашган бўлади.

Ёпиқ сузиш ҳавзаси махсус қурилган бино бўлиб ўқув ҳамда спорт машғулотларни ўтказиш учун барча қулайликлар мавжуд бўлади. Ёпиқ спорт сузиш ҳавзаси махсус бино бўлиб, ўқув, спорт машғулотлар ва ҳар хил спорт мусобақалар ўтказиш ҳамда болаларни сузишга ўргатиш учун

мўжалланган. Амалда сузиш ҳавзалари ҳар хил мақсадда оммавий соғломлаштириш, ўқув-спорт машғулотлари ёки спорт мусобақаларини ўтказиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Сузиш ҳавзаларининг барча турларида ёш болалар учун сузиш ҳавзаси бўлиши керак. Барча сузиш ҳавзалари катта кичиклиги ва сузувчиларни бир вақтда шуғулланиш сонига қараб снифларга бўлинади.

1-сниф сузиш ҳавзасига энг юқори талаб қўйилган бўлиб 3 та сузиш ҳавзаси ва узунлиги 50 метрдан иборат бўлган комплекслар қиради.

2-сниф сузиш ҳавзаларига 3 та сузиш ҳавзаси ва усти ёпиқ ёки 50 метр узунлик масофада бўлган иншоотлар қиради.

3-сниф сузиш ҳавзасига ёпиқ ёки очик иншоотлар кириб табиий сузиш ҳавзаси ҳисобланади.

Очик ва ёпиқ сузиш ҳавзалари жойини танлашда ва қуришда транспорт алоқаси, техник, гигиеник ҳамда педагогик талабларга жавоб беришлигини ҳисобга олиш керак. Очик табиий сув ҳавзалари атрофига сузиш учун жой танлашда қуёш нуруни тушишлиги, атрофни экологик ҳолати ва аҳоли яшаш жойлар бўлишлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Сузиш ҳавзасига танланган жой атрофи ўралган, чуқурлиги 1 м, эни 20 м бўлиши ҳамда сувни оқиш тезлиги 10 м.мин бўлиши керак. Маҳсус тиббий ташкилотлар томонидан сувни таркиби, жойлашган жойи ва сузиш учун рухсатнома берилиши шарт. Очик табиий сузиш ҳавзалари учун ечиниш хоналари душ, хожатхона, тиббий хона бўлиши керак.

Ёпиқ сузиш ҳавзаси жисмоний тарбия, оммавий спорт соғломлаштириш бўйича шаҳар ҳамда вилоятларда спорт иншоотлар асосий манбаълардан бири ҳисобланади. Ёпиқ спорт сузиш ҳавзалари ҳар хил сузиш спорти ва ўйинлари учун мўлжаллаган бўлиб, уни садҳи 3 - 5 м² бўлган ҳолда мўжалланган бўлиши керак.

Мактабларда 640 ва ундан ошиқ бўлган ўқувчилар учун маҳсус лойиҳадаги сузиш ҳавзаси бўлиш керак ва уни ҳажми 12.5х6 м, садҳи 120 м², кириш хонаси, 20 нафар қизлар ва йигитлар учун ечиниш хонаси бўлиши керак.

Мактаб ўқувчиларнинг бошланғич синфлари учун соғломлаштириш ва сузишга ўргатиш учун чуқурлиги 80 см, садҳи 40 м бўлган сузиш ҳавзалари ҳар хил кўринишда қурилиши мумкин. 7-11 ёшдаги ўқувчиларни сузиш учун бассейнлар 5 м² ҳисобида қурилади, садҳи 0.6 м, чуқурлиги 0.85 м га бўлади. Оддий табиий сузиш учун ҳавзаларни ўлчами 8х6 м ёки 10х6 м бўлиб, 14 ёшдан юқори бўлган болалар учун чуқурлиги 0.9-1.25 м мўжалланган. Баъзи сузиш ҳавзаларини ўлчами 12,5 м узунлиги эса 25 м гача бўлиши мумкин.

Очик табиий сузиш ҳавзаларини қуриш ва уларни таъмирлаш ҳамда фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш керак, шундагина ечиниш учун шкаф, қизлари ва йигитлар учун ювиниш хонаси, хожатхона, спорт жиҳозлар жойлаш учун алоҳида хона бўлиб умумий сузиш ҳавзасини ҳажми 212 м² бўлиши керак.

Ёпиқ сузиш ҳавзасини лойиҳалаштириш ва қуришда сузиш ҳавзаси, шуғулланувчи ҳамда хизмат қилувчилар учун белгиланган меъёردаги барча гигиеник, техник ва педагогик талабларга тўла жавоб берадиган булиши шарт. Шаҳар, туман ва даҳалардаги ҳамда мактаблардаги ёпиқ сузиш ҳавзаси йил давомида кишиларни соғломлаштиришга, сузишга ўргатишга ва ҳар-хил спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган асосий спорт базаси ҳисобланади.

Сузиш ҳавзасида сувни меъёردа бўлиши ва ўз вақтида тозалаш (филтрлаш) ҳамда алмаштириш ишлари ўзига хос жараён бўлиб, бунга сузиш ҳавзаси раҳбарияти доимо назорат қилиб боради ва унга жавоб беради. Шу билан бирга инженер ва тиббий хизмат ходимлари ҳам бунга маъсул ҳисобланади. Сувни дезинфекция қилишда асосан хлор қўлланилиб уни таркиби ёпиқ сув ҳавзаси учун 03-05 мг.л очик сув ҳавзасига эса 04-08 мг.л ошмаслиги керак. Сувни дезинфекция қилиш ва яна бир усули бу мис купоросдан фойдаланишдир.

Спорт иншоотларидан фойдаланиш

Очик ва ёпиқ спорт иншоотларида у ёки бу спорт турлари бўйича ўқув, оммавий соғломлаштириш ҳамда спорт машғулотларини ўтказиш ўзига хос хусусиятларига эгадир. Бундаги асосий омиллар спорт иншоотларини тўғри жадвал асосида ташкиллаш, электр тармоқлари, иситиш, шамоллатиш, намлиги ва ўз вақтида тозалаш, тозалик кунлари ўтказиш, фойдаланишда талабларга риоя қилиш ҳисобланади.

Спорт иншоотларидаги спорт жиҳозларини ўрнатиш, белгиланган жойга қатириш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни илмий ташкил қилиш ишларини тўғри йўлга қўйиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Спорт иншоотларидан белгиланган режимда фойдаланиш, уларга бўлган муносабатларни шахсий мулк сифатида фойдаланишини ташкиллаш у ердаги санитария гигиеник ҳолларига тўла амал қилишларини ташкиллаш жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт мураббийси фаолиятига катта боғлиқдир. Спорт иншоотлари фойдаланиш жараёнида асосан ўқув, спор ишларини ташкиллашда техника ҳавфсизлигига риоя қилиш ва уни таъминлаш ишларини тўғри ташкил қилиш ҳисобланади. Барча турдаги спорт иншоотларида қурилишда барча нормаларга қатъий риоя қилинган бўлиб ўқув ва спорт машғулотларини нормада ўтказишга қаратилган.

Касаба ташкилотларининг асосий вазифалари спорт иншоотларида техника ҳавфсизлиги қоидаларига санитария гигиеник талаб нормаларини бажарилиши ўқитувчи, спорт мураббийлари учун нормадаги иш муҳитини бўлишини тақшириб таъминлашдан иборатдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва яхшилаш мақсадида конкурслар уюштириш ҳамда техника ҳавфсизлигига риоя қилиш ишларини ўқитувчилар, спорт мураббийлар ва ўқувчилар ўртасида амалга оширилиши ҳисобланади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника ҳавфсизлиги қуйидагиларга бўлинади, қурилишнинг лойиҳаси ва қурилиш, санитария гигиеник, қўшимча спорт иншоотлари ва техника ҳавфсизлигини тарғибот қилишга.

Техника ҳавфсизлиги ўқув, спорт машғулотлари ва спорт мусобақалар ўтказиш учун белгиланган барча нормаларни таъминлаш ишларини таъминлаш киради. Буларга спорт жиҳозларини ўрнатиш, жойлаштириш ва фойдаланиш, ҳавфсизлик жойларини таъминлаш, электр тармоқлари ва сув, иситиш системасидан тўғри фойдаланиш.

Хонани шамоллатиш-бу ўқув, спорт машғулотларини ўтказишда асосий омиллардан ҳисобланиб, дераза, вентиляция тармоқларини нормада бўлишини таъминлаш керак. Санитария тиббий ишларига табиий, сунъий ёритиш, тозалаш, температура ва спорт жиҳозларини талаб даражасида бўлиши.

Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари, бу лойиҳа асосида қурилганлиги, ечиниш, душ, хожатхона ва қўшимча биноларни техник ҳолатлари киради. Техника ҳавфсизлигини таъминлаш учун тарғибот ишларини ўтказиш яъни спорт иншоотларидан фойдаланиш, жамоат ва шахсий гигиенага риоя қилиш, ҳар хил ишлар, плакатлар ва шу борада амалга оширилган спорт ташкилотларини ишларини оммалаштириш. Илмий конференция, семинарлар ва методик тавсияномалар орқалик бу борадаги ишларни ютуқларини тарғибот қилиш.

Жисмоний машқлар ва спорт мусобақаларини ўтказишда спорт иншоотлардан фойдаланишда техника ҳавфсизлигига риоя қилиш керакки ҳар-хил кўнгилсиз ходисалар бўлмаслик ва уларни олдини олиш учун спорт машқлар жараёнида содир бўлган ҳар хил кўнгилсиз ходисалар ҳисобга олиниб махсус формаларга қайд қилиниши керак. Спорт жароҳатлари қуйидагича қайд қилинади:

А) енгил, иш қобилятини йўқотмаган.

Б) ўрта оғир, 24 соат давомига иш фаолиятини йўқотган

В) оғир, жароҳатланган ва жароҳатланганни госпитализация қилиш

Г) жароҳат натижасида оғир оқибат ўлим билан тугаган ҳоллар.

Госпитализация қилинмаган жароҳатланган ҳолатларга, мускулларни лат ейиши, чўзилиши ва пайларни, мускуллари эзилиши киради. Жароҳатланган ҳолатларнинг спорт иншоот тиббий ходимлар томонидан махсус дафтарга қайд қилинади. Бундай дафтар ҳар бир мактабда, болалар ўсмирлар спорт мактабларида ва спорт иншоотларида бўлиши ҳамда ўз вақтида содир бўлган кўнгилсиз ходисалар ёзиб борилиши керак. Ҳар бир ходисани қайд қилишда қуйидагиларнинг ёзишлари шарт:

Мактаб ёки спорт муассасини номи, жароҳатланувчини исми, фамилияси, ёши, синфи (иш жойи) жароҳат олган вақти ва уни сабаблари ҳамда жароҳат олган шахс техника ҳавфсизлиги билан тушинтирилганми, тўғрисида далолатнома тўрт нусхада тузилиб туман, шаҳар спорт камитетига бир нусхада илова қилинади. Оғир, ўлим билан тугалланган ходисаларни тезлик билан жабрланувчининг оила аъзоларига ва муассаса директориға маълум қилиниши шарт.

Содир бўлган ходисани албатта туман, вилоят ва Вазирликка етказиш ҳамда уларни сабабларини ҳар томонлама ўрганиб хулосалар юборилади. Кундалик ҳаётда бундай кўнгилсиз ходисалар содир бўлмаслиги ва уларни ўз вақтида олдини олиш учун белгиланган тартибдаги

барча техника ходисаларига қатий риоя қилишни ташкиллаш керак, бунга албатта жисмоний тарбия ва спорт мураббийлари шахсий масъул эканликларини унутмасликларни керак.

Барча спорт иншоотлари қурилмалари жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказадиган жойлар тиббий назорат ташкилотлар назоратида бўлади. Буни туман, шаҳар, вилоят санитария-эпидемиология хизмати физкультура диспансерлари ҳамда мактаб, спорт ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширадilar. Спорт иншооти ва қурилмаларини асосий назорати: яъни атрофи муҳитни табиий ва сунъий ёритилиши, спорт жиҳозларини жойлаштирилиши ва уларни шуғулланувчи ёшларига мос келишини назорат қиладilar. Спорт иншоотларини капитал таъмирлангандан сўнг фойдаланиш учун маҳаллий санитария эпидемиология ташкилотларидан машғулотлар ўтказиш учун руҳсатнома олишлари шарт.

Махсус далолатнома тузилиб шу спорт ташкилот тиббий ходими ёки раҳбариятида сақланади. Маҳаллий санитария эпидемиология ходимлари спорт иншоот ходимлари ва хизматчилари ҳамда шуғулланувчилар доимий тиббиёт гигиеник қоидалари тўғрисида доимий тушунтиришларни олиб борадилар, бу эса ҳар хил касаллик ва кўнгилсиз ходисаларни олдини олишга асос бўлади.

Спорт иншоотлари ва қурилмаларини узоқ фойдаланиш учун доимий назорат бўлишини талаб қилад. Бу назорат нураш, бузилиш ва техник-инженер ҳолларини издан чиқишларини олдини олиш ҳисобланади.

Бундай ҳолатларни олдини олиш учун:

А). Умумий спорт иншооти ва қурилмаларнинг ҳолатини таъмирлаш.

Б). Алоҳида қисмлари, системасини таъмирлаш.

В). Ҳар хил табиий офатлардан кегин ёки биронта катта спорт мусобақалари олдиндан таъмирлаш ишларини амалга ошириш керак.

Мактабларда спорт иншоот ва қурилмаларини йилига икки маротабада (ёзда, кузда) мактаблардаги очик, ёпиқ том майдонларни жорий ва капитал таъмирлаш ишларини режа асосида жисмоний тарбия ўқитувчиси раҳбарлигида амалга оширилади. Таъмирлаш ишларини ошириш учун мактаб ўқитувчилар жамоаси ўртасида камиссия тузилади.

Умуман барча спорт иншоот-қурилмаларини узоқ муддатга етиши асосан жисмоний тарбия, спорт мураббийларини ўқув, спорт ишларини ташкиллаш ва шуғулланувчилар билан мавжуд манбаълардан тўғри фойдаланишлари тушинтириш ишларини ташкиллашга боғлиқ эканлигини унутмаслик зарур. Бундан ташқари барча тармоқларни (девор, эшик, пол, иситиш тармоқлари, қўшимча жойлар) қатъий жадвал асосида назоратдан ўтказиш ҳам боғлиқ.

Адабиётлар

1. Юксак маънавият – енгилмас куч. И.Каримов.Тошкент. 2010
2. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. 2012
3. O'zbek xalqiga tinchlik va omonlik kerak. T.: O'zbekiston. 2013
4. А.В.Николенко “Спортивные сооружения” Москва –1976.
5. А.В.Николенко “Простейшие плавательные бассейны” Москва –1977.
6. Г.Е.Берлянд “Изготовление спортивного инвентаря” Москва –1990.
7. Ф.Г.Варфоломеев “Хранение, эксплуатация спортивного инвентаря” Москва-1990.
8. В. Стаинов. Оформление стадионов и спортивных площадок”. Москва-1994.
9. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. дарслик. 2000 й. Тошкент.
10. Абдуллаев А., Хонкелдиев Ш.Х. Жисмоний тарбия назарияси ва усулияти. дарслик. 2000 й. Тошкент.
11. Саломов Р.С. Спорт машғулотларининг назарий асослари. дарслик. 2000 й. Тошкент.
12. Кошбахтиев И.А. Валеология асослари. дарслик. 2001й. Тошкент.
13. Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш. Монография. 2001й. Тошкент.
14. Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. дарслик. 2003 й. Тошкент.

15. Керимов Ф.А. Умаров М.Н. Спортда прогнозлаштириш ва моделлаштириш. дарслик. 2000 й. Тошкент.
16. Саломов Р.С., Керимов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. Услубий қўлланма. 2002 й. Тошкент.
17. Усмонходжаев Т.С. ва бошқа. Болалар ва ўсмирлар спорти машгулотлари назарияси ва услубиятлари. 2005 й. Тошкент.
18. Шарипова Д.Д. и др. Формирование здорового образа жизни. Учебное пособие. 2001г. Ташкент.
19. Светличная Н.К., Юнусов С. Инвалидный спорт. Учебно-методическое. 2000 г. Ташкент.

